

## УЧТЕПАДА УЙ ТҮЙЛАРИ



АБДУРАЙИМ АБДУВАХОБОВ:


**САХНАДА ҚАХРА-  
МОН ҲАЁТИ БИЛАН  
ЯШАЙМИЗ**



4

## СУҚ БАЛОСИДАН АСРАСИН...

12



**КАТТА ВА  
КИЧИК ҲАЛҚА**



16

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН



*Бу болалар ғурур бор деб олишади,  
Пул учунмас, номус, ор деб олишади,  
Амир Темура қони бор деб олишади,  
Ори йўқлар ушбу элга ўғлон эмас.*

Сирожиддин САЙИД

### КЕЧА:

→ Президентимиз ташаббуси билан бундан ўн йил муқаддам истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган “Нихол” мукофотининг навбатдаги голибларини тантанали тақдирлаш маросими пойтахтимиздаги “Истиклол” санъат саройида бўлиб ўтди.

→ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишига биноан, 14–15 август кунлари мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида 16 миллиондан зиёд юртдошимиз фаол қатнашди.

### БУГУН:

→ Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ва БМТнинг Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилган семинар ўз ишини якунлайди.

→ «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида истиқлолимизнинг 19 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган “Оналар қуйлаганда...” номи аъъанавий кўрик-танловнинг вилоят bosқичлари давом этмоқда.

### ЭРТАГА:

→ Сингапурда ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтаётган I Олимпиада ўйинларида ҳозирча тўртта (1 та кумуш, 3 та бронза) медални қўлга киритган мамлакатимиз вакиллари беллашувларни давом эттиришади.

→ «Ўзгидромет» мутахассисларининг берган маълумотларига кўра, республикамизнинг барча ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кузатилмайди. Ўртача ҳарорат кечаси 18–23 даража атрофида, кундузи эса 35–40 даражани ташкил этиши кутилмоқда.

### ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Мангитлик Хадича момонинг дуоиси	2
Даладан бери келмаётган профессорнинг отаси	3
Мавсум ҳали ҳам давом этмоқда	3
ОИВ/ОИТСдан сақланиш имконияти борми?	6
Баҳодирлар ичимлиги: белга қувват, юракка малҳам	6
Гўзаллик сири ёхуд муҳаббат умрни узайтиради	7
Рулдаги аёллар хушёрми, ёки...	7

Теледастурлар	8–9
Дард борки, дармон бор	10
Таниш ва билиш	11
«Отам шаҳарда, онам қишлоқда яшайди. Мен эса...»	12
Пушаймонлик чегараси	13
Шоҳдор тошбақа	14
2520 та тақинчоқли хоним	14
Овсиннинг макри бир оилани барбод қилди	15
Эгасиз мерос кимга буюради?	16

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида Жиззах туманидаги Учтепа даҳасида 20 та оила намунавий лойиҳа асосида қурилган кулай ва шинам уй-жойга эга бўлишди.

Учтепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда қад ростлаган уйлар қурилиши ўтган йилнинг кузида бошланган эди. Бу эзгу иш учун туман ҳокимлиги 14 гектардан зиёдроқ ер майдони ажратди. Бош пудратчи — Абдурахмон Ропиев раҳбарлик қилаётган «Ўрта Осиеъ меъмор» кўп тармоқли фирмасининг қўлига курувчилари объектларни ўз муддатда эгаларига топшириш ниятида дастлабки кунлардан оқ бунёдкорлик ишларини тезлаштириб юбордилар. Янги, намунавий уйларни сотиб олувчиларга «Қишлоққурилишбанк» томонидан 15 йил муддатга имтиёзли ипотека кредитлари берилгани эса кўплар учун айна муддао бўлди. Шу кунларда охири пардозлаш



## МУСТАҚИЛЛИК МАНЗАРАЛАРИ

## ЖАРАЁН

# ҲАР БИР ФАРЗАНД ЭЪТИБОРДА

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасидаги ишларни кучайтириш, ёшларни жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш каби вазифалар ҳам белгиланган.

Туманимизда дастурнинг ушбу бандлари ижроси юзасидан муайян ишлар бажарилди. Хусусан, 2010 йилнинг олти ойи давомида тумандаги 27562 нафар фертил ёшдаги аёлларнинг 14105 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди. Уларнинг 7795 нафарида турли эсрагентал хасталиклар аниқланиб, 5816 нафари соғломлаштирилди. Ўсмир қизларнинг эса 2617 нафари болалар гинеколог томонидан тиббий кўриқдан ўтказилиб, 145 нафарида гинекологик хасталиклар борлиги аниқланди. Шуниси эътиборлики, бундан бирикми йил аввал қизларнинг гинеколог кўригидан ўтказиш анча мушкул иш эди. Аммо бугунга келиб, коллеж қизлари ва оналар орасида олиб-борилган давра суҳбатлари ўз самарасини бериб, фарзандларини кўриқка жўнатаётган аёлларнинг кўпаяётгани бизни қувонтирмоқда. Тиббиёт муассасалари ходимлари, вилоятдан келган мутахассислар иштирокида аҳоли репродуктив саломатлиги билан бир қаторда «Турмуш ва муомала маданияти», «Рўзгор юритишда оқиллик», «Оила чироғи — аёл» каби мавзуларда ҳам маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Албатта, ҳар бир инсоннинг соғлом бўлишида спортнинг ўрни бекиёс. «Соғлом оила — келажак пойдевори» марафонида 200 нафарга яқин хотин-қизларимиз иштирок этди. Шунингдек, «Самарқанд гунаҳлари» номли бадиий гимнастика бўйича вилоят биринчилигида туман жамоаси фахрли биринчи ўринни эгаллади. Қўшрабонтнинг ўзига хос спорт ўйинлари ҳисобланмиш тош кўтариш, улоқ-кўпқари, белбоғли кураш кабилар бўйича ўсмир ёшлар ўртасида қатор спорт мусобақалари ўтказилди.

«Биз гиёҳвандлик ва терроризмга қаршимиз!» шиори остида анъанавий қаратэ-до бўйича вилоят биринчилигида 80 нафар спортчи ёшлар иштирок эттиди. Эътиборлиси, уларнинг 26 нафари қизлар ҳисобланади. Шунингдек, «Сиз полвонларни биласизми?» танловининг туман bosқичида Пичот қишлоғидаги 1-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси, кўк белбоғ соҳибаси Шохиста Сирлибоева ғолибликни қўлга киритди.

Гарчи бу борада ҳали олиб борилажак ишларимиз кўп бўлса-да, аммо бугунги кунда спорт билан машғул, турли тўғарақларга қатнаётган ёшларнинг, қизларнинг кўпаяётгани қувонарли. Фақат бу каби ишларни кенг қўламада амалга оширишда ҳар бир ташкилот, жамоатчилик вакиллари жон куйдиришса, фарзандларимизнинг келажаги, юртимиз равнақиға муҳим ҳисса қўшган бўлур эди.

**Хафиза БОЛИБЕКОВА,**  
Қўшработ туман ҳокими ўринбосари,  
хотин-қизлар қўмитаси раиси.

# УЧТЕПАДА УЙ ТҮЙЛАРИ

ишлари ниҳоясига етказилаётган турар-жойларнинг 10 таси 4 хонали, 10 таси эса 5 хонали, барча кулайликларга эга уйлардан иборат. Лойиҳалар буюртмачиларнинг истакларини инобатга олган ҳолда тайёрланган. Табиий газ, ичимлик суви ўтказилган, ҳар қайси уй-жойни меъёрида иситишни таъминлаш мақсадида алоҳида печлар ўрнатилган.

Жиззах шаҳридаги замонавий полимер қувурлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ишчиси Ғайрат Сайдиевнинг 6 нафар фарзанди бор. Бу оила аъзолари янги уйлардан 4 хоналисини танлашди.

— Насиб бўлса, Мустақиллик байрамини барча кулайликларга эга ҳар қандай таъби нозик одам ҳавас қилса арзийдиган янги уйларда кутиб оламиз. Ортимизда бизга ўхшаган минглаб оилаларнинг бу йил ҳовли тўйла-

ри ўтказишини ўйлаганимда, биласизми, фуқароларига ғамхўр ва меҳрибон шундай юрда яшаётганимга шукроналар айтгим келади, — дейди у.

Банк ходими Шавкатжон Бегалиевнинг оиласидагилар эса 5 хонали уйлардан бири учун жами талаб қилнадиган маблағнинг 25 фоизини тўлаб қўйишибди.

— Бугун уй-жой қуриш осон эмас, — дейди у. — Гишт ёки цемент деб, тахтаю шифер излаб, ярувчи билан уста ахтариб, югуришларнинг ўзи бўладими? Пишиқ гиштан пухта лойиҳа асосида пойдевори баланд уйлар қуришга бош-кош бўлиб, қишлоқ аҳлига катта қулайликлар яратиб бераётган Президентимиздан миннатдоримиз. Ишончим комилки, бу уйларда биздан кейин фарзандларимиз, невараларимиз ҳам ҳузур қилиб, роҳат-фароғатда яшайдилар.

Айни пайтда давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзли ипотека кредитлари ёрдамида янги уй-жойларга кўчиб киришдек ширин ташвиш билан яшаётган оилалар қувончининг чеки йўқ. Чунки бу ерда нафақат замонавий ва кулай ҳовлилар қурилмоқда, айни дамда болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, мусиқа ва санъат кошоналари, хизмат кўрсатиш объектлари, кенг ва равон йўллар, гулу гулзорлар, бир сўз билан айтганда, юртоқларимизнинг қулай ҳамда муносиб ҳаёт кечериши учун зарур барча шароитларни ўз ичига олган замонавий, кўркам, обод ва файзли қишлоқ барпо этилмоқда.

**Доногул ЖҲРАЕВА,**  
«Оила ва жамият» муҳбири.  
Жиззах вилояти.

## ХАДИЧА МОМОНИНГ БАХТИ

— Қаерга борсам, ким билан гаплашиб қолсам, «Кўрсатганига шуқр, шундай тўкин, тўқчилик замонадан айланай», деб дуо қиламан. Ҳеч бир даврда одамнинг қадри бунчалик улуғланганини билмайман, — дейди **Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги Мангит шаҳри Бойовул маҳалласида яшовчи нуроний онахон Хадича Дўсимбетова.** — Болаларимнинг ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнини топиб кетган. Баридан кўнглим тўқ. Бир ўғлим Мурод Дўсимбетов кураш бўйича республика ёшлар терма жамоасида бош мурабий, халқаро тоифадаги ҳакам. Шундай қобил фарзандларнинг онаси бўлиб, неваралар қуршовада қариллик гаштини суриб юрибман-да.

**Нурмамат АЛМУРОДОВ**  
сурат-лавҳаси.



## ҚАРОР ВА ИЖРО

Тараққиёт замони қизгин паллага кирмоқда. Бугунги янгилек эртага эскириши табиий жараёнға айланди. Энг эътиборли жиҳати, иқтисодий имконият майдонлари кенгаймоқда. Юртоқларимизда эгалик туйғуси шаклланмоқда. Шу маънода мамлакатимизда ҳам рақобатбардош, юқори сифатли нозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини янада бойитиш, тайёр нозик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни таш-

# ИМТИЁЗ МАСЪУЛИЯТИ

кил этиш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, бунинг асосида аҳолини янги иш жойлари билан таъминлаш, фуқароларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бу борада Президентимизнинг 2009 йил 28 январда «Маҳаллий нозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Орадан ўтган бир ярим йилдан

кўпроқ муддат ичида ушбу ҳужжатда белгиланган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ қатор ишлар амалга оширилди.

Мазкур қарорнинг аҳамиятли жойи шундаки, нозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб-чиқаришга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналарга 2012 йилнинг 1 январига қадар солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари берилган бўлиб, жумладан, 2009–2011 йиллар мобайнида ушбу фаолият тури бўйича фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари, Республика

йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган.

Масалан, бизнинг Сергели туманида ушбу имтиёзларга эга бўлган корхоналар сони 2009 йилда 8 тани, 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида эса 15 тани ташкил этган бўлиб, ушбу корхоналарга имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар янги ишлаб-чиқаришларни барпо этишга, шунингдек, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, нозик-овқат истеъмол товарлари

ишлаб чиқаришда зарур бўладиган хомашё ва материаллар харид қилишга, киритилган инвестицияларни қоплаш, жумладан, кредитларни тўлашга йўналтирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, берилган ушбу имтиёзлар бошқа мақсадларда номувофиқ фойдаланилган тақдирда, ушбу маблағлар конун ҳужжатларида назарда тутилган жарима санкциялари ҳисобга олиниб, тўлиқ ҳажмда давлат бюджетига ўтказилди.

**Фахриддин Абдунабиев,**  
Тошкент шаҳар  
Сергели туман ДСИ  
бўлим бошлиғи.

## ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

Пардаевлар оиласини нафақат Зарбдор туманида, балки Жиззах вилоятида ҳам кўпчилик яхши билади, десак муболаға бўлмайди. Тўғри, бир қарашда бу хонадоннинг бошқалардан деярли фарқли жиҳати йўқ ҳисоб. Лекин оиладаги аҳиллик, ўзаро ҳурмату эъзат, ўзбекона одоб-ахлоққа асосланган ва йиллар давомида шаклланган, бугун кўпчилик ҳавас қилса арзийдиган маънавий муҳит ҳамма оилаларда ҳам учрайвермайди.

«Шухрат» медали соҳиби Абдухолик ота етмиш бир ёшни қаршилаган бўлса-

да, ҳали бардам ва тетик. Бундан эллик йил муқаддам умид билан бир ёстиққа бош қўйган турмуш ўртоғи Янглиш ая билан бир этак фарзандларни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишди, мустақил ҳаётга йўллашди. Улардан 75 нафар неварара, 3 нафар чевара кўришди. Бирор бир тадбир баҳона ҳамма бир жойга йиғилиб қолса борми, ҳовли тўйхонага айланади-қолади.

— Тарбия жараёни жуда мураккаб, — дейди Абдухолик ота. — Сиз ўғил ёки қизингизни у билан гаплашаётган, ниманидир ўргатаётган ёхуд унга бирор иш буюраётган пайтингизда тарбияляпман, деб ўйламанг. Негаки, бола қалбига ота-

дик. Вақт топдикми, дарс тайёрлардик, китоб ўқирдик. Қўйларни боқишга кетсак, белимиздаги белбоғимизда, албатта, битта нон билан битта китоб бўларди. Кейинчалик билсам, бизларни ота-онамиз шу йўл билан зарарли одат — бекорчиликдан асраган экан.

Аслида, Абдухолик отага ҳам, Янглиш момога ҳам осон бўлмади. Ҳаёт уларни жуда кўп синовларга, машаққатларга дучор қилди. Ёшликлари Сирдарё ва Жиззах чўлларида заҳматли меҳнат билан ўтди. Ер чопишди, ариқ-зовур қазишди, сувчилик қилишди, ертўла ва чайларда яшадилар. Кейинчалик Абдухолик ака бригадир бўлди. Кечани кеча, кундузни

га етади. Тасаввур қилинг: машаққатлар чекиб, тер тўкиб, боғ яратдингиз. Унинг мевасини бугун бўлмаса, эртага кўрасиз, сиз емасангиз фарзандларингиз баҳраманд бўлади-ку! Ўғил-қиз ўстириш, уларни солиҳ фарзандлар қилиб вояга етказиш ҳам шунга ўхшаган гап. Оила — жуда муқаддас даргоҳ. Унга доғ тушдими, кетказиш осон эмас. Шунинг учун ҳар доим болалар, невараларга тайинлайман: ҳалол луқма энглар, рост сўз айтинглар, уйингизга ўзганинг ҳақини кўтариб келманг, фарзандларни ёлгондан сақланг. Булар — биз тўкиб чиқарган эртак эмас, неча минг йиллардан бери халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ўлмас қадри-



## МЕНИНГ ОИЛАМ — МЕНИНГ БАХТИМ

она ибратидан бошқа таъсирчанроқ куч йўқ.

— Биз ота-онамиздан энг аввало, тартиб-интизомни, ҳалолликни, ростўйликни, меҳнатга меҳр қўйишни ўргандик, — дейди тўнғич ўғил, иқтисодчи Абдурахмон. Ҳеч бўш вақтимиз бўлмасди. Эсимда: ҳовлимизда ҳар доим 5–10 та қўй-қўзи турарди. Ҳали 6-7 ёшимдаёқ уларни дала-даштда боқишни урдлардим. Укаларим, сингилларим ҳам шундай катта бўлишган. Оиламизда бу ўғил боланинг иши, буни эса қиз бола қилиши керак, деган тушунча бўлмаган. Ҳаммамиз ҳар қандай ишни қилиб кетаверардик. Отаимизга, онамизга ёрдамимиз тегаётганидан қувонар-

кундуз демасдан, ҳузур-ҳаловат нелигини билмай ишлади. Лекин минг афсуски, деҳқоннинг елкаси офтоб кўрмади. Истиқлол туфайлигина юртимиздаги минглаб меҳнаткаш оилалар қатори бу хонадон соҳиблари ҳам чин маънода рўшнолик кўрди.

— Акангиз билан не-не кунларнинг гувоҳи бўлмадик, ойна, — дейди ўтган йилларни хотирлар экан Янглиш ая. — Ҳозир невараларга айтиб ўтираемиз, ишонимизди. Узимизнинг ўқий олмаганимиз армон эди. Шунинг учун ҳам болаларимизни ўқитдик-да. Деярли бари олий маълумотли, иқтисодчи. Абдунабимиз фан доктори, профессор, Ботиржон фан номзоди. Аввалги замон бўлганида бизга ўхшаган деҳқоннинг боласи профессор ё олим бўлармиди?

— Бахт ҳавода эсмайди, у меҳнатдан келади, — дейди Абдухолик ота. — Ҳар кишики, меҳнат қилса, албатта, муроди-

ятлардир.

Отаҳоннинг гапларини тинглапмиз-у, ораста, обод, кўркам ҳовлига разм сола-миз: оддий, ҳашаматсиз, бежиримгина уй, ёнида меҳмонхона, бир четда ошхона, кўздан панароқ жойда ҳаммом, этакда молхона. Уй олдида эса турфа хил гуллар қулф уриб очилиб турибди. Теварақатрофни жамбилу райхонларнинг хуш бўйи тутган. Ишқомда шиғил-шиғил узумлар тилло рангидан товланади, олманг шохлари ҳосил кўплигидан эгилган. Ҳовлини болакайлар шовқини тўлдирган. Бу — ҳақиқий ўзбек хонадони. Улуғ истиқлол бундай оилаларга ажиб бир ўзига хосликни, тароватни, шулар баробарида тўқинликни, фаровонликни ҳаёда этди, десак янглишмаймиз.

Донугул ЖҲРАЕВА,  
«Оила ва жамият» муҳбири.  
Жиззах вилояти.

## «ҚУЁШЧА»ДА ПОРЛАЁТГАН НУР

«МАВСУМ — 2010»

Ёз охираб қолди. Бир ёқда «мактаб бозор»ларида фарзандларининг қувончли ташвишлари билан елиб-югуриб юрган ота-оналарни учратсак, бир ёқда ҳамон кўнгили дам олишда давом этаётган болажонларнинг ҳайрату ҳаяжонлари юракларга бир дунё завқ бағишлайди.

Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги 2-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган «Қуёшча» болалар соғломлаштириш оромгоҳида айна кунларда ҳам байрамона руҳ ҳукмрон. Бу даргоҳда ҳар бир боланинг ўз саломатлигини мустаҳкамлаб, мароқли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратил-

ган. Шинам дам олиш хоналари, кутубхона, ошхона, спорт майдончалари улар ихтиёрида.

— «Қуёшча» ўз номига муносиб бўлмоғи учун мавсум бошланишидан олдин барча чора-тадбирларни кўриб қўйган эдик, — дейди **Навой кон-металлургия комбинатининг Жанубий кон бошқармасига қарашли 2-сон бирлашган касаб**

**уошмалари кўмитаси раиси Виктор Пухленко.** — Бевосита корхонамиз маъмуриятининг беминнат савъ-ҳаракати туфайли йигирма йилдирки, ушбу маскан узлуксиз фаолият



кўрсатиб келмоқда. Бу ерда ҳар йили ёз мавсуми тугагунга қадар қарийб 480 нафар 6–12 ёшли ўғил-қизлар ҳордиқ чиқарилади.

Оромгоҳда ўнта йўналиш, жумладан, 6 та фан ва 4 та спорт тўғарақлари фаолияти изчил йўлга қўйилган. Натижада, 7 гуруҳга бўлинган болалар кун бўйи ўзлари қизиққан тўғарақларда ҳар хил машғулотлар билан мунтазам шугулланишади. Хусусан, болалар кўпроқ расм чизиш, ашула-рақс, юмшоқ ўйинчоқлар яшаш, гимнастика, стол тенниси, футбол ҳамда шахмат-шашка тўғарақларига қизиқишади.

— Мавсум охираб қолган бўлса-да, айна пайтда масканимизда 160 нафар бола таътилни мазмунли ўтказаетири, — дейди **«Қуёшча» оромгоҳи раҳбари Светлана Губа.** — Биз оромгоҳимизда ўтказилаётган ҳар бир тадбир ва машғулотларни қатъий режа асосида ташкил этганмиз. Болажонлар куннинг биринчи ярмида турли тўғарақ машғулотларига қатнашишса, куннинг иккинчи ярмида спорт ва бошқа кўнгилочар машғулотларга жалб этилади. Мақсадимиз уларнинг бўш вақтини мазмунли ва мароқли ташкил этишдан иборат.

Шунингдек, оромгоҳда дам олувчиларнинг самарали ва мазмунли ҳордиқ чиқаришини таъминлаш мақсадида деярли ҳар ҳафта «Янги оҳангдари эртақ», «Дунё халқлари рақслари», «Ёш кутқарувчилар кун», «Бу муқаддас ватанда азиздир инсон» каби мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, уларда болалар фаол иштирок этишади.

Оромгоҳ кутубхонасидан бадий-илмий китоблар, дунё ва ўзбек халқлари эртақлари ўрин олган. Бу ерда ҳордиқ чиқараётган болаларнинг ўзларини қизиқтирган ўйин ва машғулотлар билан машғуллик, айниқса, турли спорт мусобақаларида фаол иштирок этаётганликлари, қизикарли китоблар мутолааси билан бандлигини кўриб, чин дилдан қувонасиз. Сирасини айтганда, «Қуёшча»да болажонларнинг ҳар бир кун турли маданий-маърифий, кўнгилочар тадбирлар билан завқли ўтмоқда.

Ҳошим ОРЗИКУЛОВ,  
«Оила ва жамият» муҳбири. (т)





РАДИОДАН УҚИЙМИЗ!

— Бизлар ёшлигимизда билган-таниган Шум бола билан бугун энди анча босиқ, бир сўз билан айтганда, жиддий ҳаёт сабоқларини эгаллаган Абдурайим Абдуваҳобов ўртасида қай даражада фарқ бор деб ўйлайсиз?

— Еру осмонча-да, албатта. Мени, очиги, ҳалигача шундай ном билан аташларига бир қадар кўникиб қолганман. Чунки кимдир ошқора, яна кимдир орқаворотдан "Ана, Шум бола келяпти, бунча ўзариб кетибди-я?" дейиши аниқ. Лекин бу мен учун фахр десам, хато қилган бўлман. Ва беихтиёр баралла айтгим келади: "Биродарлар, сиз билган Шум бола кинода, ўтмишда қолиб кетди, тамом. Бугун бутунлай янги бир давр, замонада яшаймиз. Ҳозир эсласам, кулгим келади. Нега десангиз, мен талқин этган Қоравойнинг ёшидагилар ҳозир энг сўнгги тараққиёт янгликларидан хабардор, камида битта хорижий тилини билади. Компьютер дейсизми, интернетми, барибир, сув қилиб ичиб юборишган, демократиканки, бизларни ҳайратга соладиган даражада ўзгариб кетишди. Аммо кўнгилни хира қиладиган айрим томонларини ҳам айтмасам бўлмас. Яқинда уяли телефонларда "Шум бола" фильмидан бир парча олиб, айрим сўзлар ўрнига тилга олиб бўлмайдиган даражадаги гапларни монтаж қилиб чиқаришибди. Ёқангни ушлайсан киши. Наҳот, шу даражада ўзимизнинг миллий кино санъатимиз дурдонасига ҳурматсизлик қиладиганлар чикса орамиздан? Бу менимча пул топиш илинжида қилинган иш бўлса керак.

— Барибир сизнинг болалик даврингиз кинода яратган образингиз бошидан кечган кулгули ва аянчли саргузаштлардан кескин фарқ қилгани аниқ. Шундай бўлса-да, қайсидир жиҳатингиз билан шум болага яқинмидингиз?

— Нима десам экан, Фафур Гулом қаламга мансуб бу асарда бизнинг ота-боболаримиз кўрган-кечирган давр фожеалари акс этганлиги аён. Менинг қаҳрамонимга келадиган бўлса, у ёш бўлсаюм жуда кўп балоларга, кўргуликларга дучор бўлган бола. Ҳаёт бошқа, кино бошқа деганимиз билан ана шу бадиий асардаги воқеаларни адиб осмондан олиб ёзмаган-ку! Шунинг учун мен кўлимдан келгунича Шум бола билан руҳан яқин яшаганман, унинг кувонч-азобларини юрагимдан ўтказганман.

Эсимда, ўшанда Шум бола образини яратишни 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ҳамма болалар истаган, десам янглишмайман. Мен ҳам шундай танлов ўтказилаётганини эшитиб, дўстларим билан борганман. Давъогарлар мингдан ортик. Жуда кўп санъаткорлар ҳам ўғилларини олиб боришган. Ниҳоят, мени Омон,

Ҳозир эллиқни қоралаб қолган бу актёрни нафақат катта авлод вакиллари, балки мактаб ёшидагилар ҳам баб-баравар "Ўзимизнинг шум бола-ку!" дейишларида ўзгача бир самимият билан бирга, ёшлигиданок, яъни бундан 30-40 йил аввалги аччиқ ва аламли хотираларни кино кўзгуси орқали ҳаётини жонлантира олган иқтидор соҳиби ижодига бўлган хурмат ва эҳтиром туйғуси бор, десак, янглишмаймиз. Абдурайим ўша пайтлардаёқ оддий бир ҳақиқатни англаб етган эди: яхши актёр бўлмоқ учун нафақат истеъдод, балки жуда катта меҳнат, ўқиш, изланиш сув ва ҳаводек зарур деган ақидага қаттиқ амал қилди. Шу боис ҳам у аввало, ўзининг сеvimли Миллий академик театри жамоаси, қолаверса, минг-минглаб мухлислари орасида кадр уэзоз топа олди.

Саидқарим Саидориповни эса Шум бола ролига тасдиқлашди. Кейин нимадир бўлиб, ҳўш, қани иккаласи ҳам Шум болани ўйнаб кўришсин-чи, дейишди. Кутил-

образ ҳам яратишим мумкин. Бу билан ўзлигимни йўқотиб қўймайман-ку, тўғрими? Барибир ҳар қандай актёр кичкинагина эпизоди билан ҳам ўз

ни ҳам, энг муҳими, меъёрни билиши керак. Меҳнатдан чекинсангиз, манманликка берилсангиз, кимлигингизни унута бошласангиз у сизни жуда тез тарқ этиб кетиши мумкин. Шўхрат одамни эмас,

**АБДУРАЙИМ АБДУВАҲОБОВ:**

## САҲНАДА ҚАҲРАМОН ҲАЁТИ БИЛАН ЯШАЙМИЗ

магандан ролларни алмаштиришди. Тасвирга олиш жараёнлари қарийб бир йил давом этган. Тоғу тошларда юрганмиз.

Энди биласиз, болалигида шўхлик (шумлик эмас) қилмаган бола қандай табиатга эга бўлади? Бўш-баёв, ҳаддан ташқари одамовисифат бўлиб қолади-да. Болалик ўзи бегубор олам. У маҳалларни эсласам, хўрсиниб кетаман. Маҳалламиздан катта бир ариқ оқиб ўтарди, унинг икки ёни узун толзор бўларди. Ариқнинг номи Кайқовус, менинг тасаввуримда худди денгизга ўхшар, ўртоқларим Тохир, Мирзоҳидлар билан маҳалланг у

қаҳрамони қисматини саҳнада бўлса-да, "яшаш"и керак. Ана шундагина мухлислар хурмати-ни қозона олади.

— Умуман санъатга бўлган иштиёқ, орзу-ҳавас сизда қачон пайдо бўлган?

— Мақтанишга йўймангу, онам ҳозир ҳам гапириб ўтирадилар. Уч ёшлигимда ҳрвлимиздаги тоқзоримиз остидаги сўрида ўзимга ўзим нималарнидир гапириб ўйнар эканман. Шунда раҳматли отам ҳазиллашиб, "Шу ўғлинг актёр бўлади-ёв, онаси? Қарагин, ўзи билан ўзи гаплашиб роль ўйнапти", дер экан. Мактабга чиққан илк кунларим-

одам шўхратни бошқара олиши асосий ютуқ. Унга ўта муҳим нарсаси сифатида қараш ҳам шарт эмас.

— Анча йиллардан бери номдор ва нуфузли Миллий академик театрга хизмат қиляпсиз. Албатта, сиз саҳнага олиб чиқаётган образлар ҳақида истаганча гапириш мумкин. Лекин бу даргоҳда халқимизнинг сеvimли ва ардоқли санъаткорлари билан бирга ижод қилиш осон кечмас керак?

— Бўлмасам-чи, уларнинг олдида ҳар қандай шароитда ҳам масъулиятни ҳис қилиб ту-

— Эшитишимча, самолётнинг бир қисми тилладан ясалар экан. Агар ана шу қисми бўлмаса у учолмаскан. Мен биласизми, театрни ўша бўлакчани ясовчи станокка ўхшатаман. Биз эрталабдан иш ўрнимизга келиб мана шу "тилла қисм"ни ясай бошлаймиз. Кечқурунми, кундузисми, белгиланган вақтда уни томошабин ҳукмига тақдим эта-миз. Шунинг учун ҳам шахсан мен театрни маънавиятнинг олтин бўлагига қиёсламан. У ҳар қандай "темир одам"ни ҳам тарбиялашга, фикрлаш ва тасаввурини кенгайтиришга хизмат қилса, яхшилик, эзгуликка чорласа, ўз вазифасини бажарган бўлади.

— Оилангиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Оллоҳга минг қатла шўхруки, онам Бўринисо ая табарруқ ёшдалар. Бизларни дуо қилиб ўтирадилар. Аёлим Гулнораҳон уй бекаси. Фарзандларимнинг тўнғичи Абдуқаҳҳор стоматология коллежини битириб, яна ўқишни давом эттирмоқчи, ўртанчаси Абдужаббор банк коллежиде, қизим Дилдора мактабда таҳсил олаётти. Фарзандларим санъатни жуда нозик дид билан тушунишади, лекин ҳеч бири ҳозирча менинг изимдан келишмаяпти. Бошқаларга ўхшаб мажбурлаб театр ё кинога етаклаб борсам бўларди. Аммо ўзида иқтидор, қизиқиб бўлмаганидан кейин минг марта ҳаракат қилинг, фойдаси йўқ.

— Мухлисларга тилақларингиз...

— Ҳар доим соғ-омон бўлсинлар. Мана, яқинда халқимиз билан биргаликда улўғ истиклолимизнинг 19 йиллигини нишонлаймиз. Вақтнинг тез ўтишини қаранг, Ватанимиз мустақил бўлганида тугилган фарзандларимиз навқирон 19 ёшни тўлдирыпти. Қандай фахру ифтихорга тўлиб кетасан киши. Ниятим, истиклолимиз тенгдошлари — барқамол авлод вакилларига ойдин орзулар, кутлўғ ниятлари ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.

**"13-СТУДИЯ" ИЖОДИЙ ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ:**

Қаҳрамон АШУРОВ,  
Дилдора МАРДИЕВА,  
Мавлуда ТОШПҲУЛТОВА,  
Насриддин АСРИДДИНОВ,  
Шаҳноза РОФИЕВА  
(тахририят).



бошидан бу бошигача шу денгизча орқали оқиб келардик. Ўз кўлларим билан ясаган камоним бўларди. Дўстларим билан чайлалар ясаб ўйнардик. Болалигимнинг менга берган энг катта тўхфаси кўнгилга яқин дўстларим ва сиз айтган Шум бола образи, деб биламан.

— Ҳар бир актёр ўз ижодий фаолияти давомида жуда кўп роль ва образларни талқин этишига тўғри келади. Сир эмаски, уларнинг бири томошабинни кулдирса, бошқаси йиғлатиши мумкин. Бу энди сизнинг чекингизга қандай қаҳрамон тушишига боғлиқ жараён. Нима деб ўйлайсиз, ана шундай пайтда ижодкор ўзлигини топиб борадими ёки аксинча, бой бериши ҳам мумкинми?

— У қандай роль бўлишидан қатъи назар, актёрнинг юраги битта. Масалан, мен ўзимнинг ҳаётим, хулқ-атворим, қарашларимга бутунлай қарама-қарши

дан бошлаб актёрликни ўргатадиган драма тўғарақларини қидира бошлаганман. Ўқитувчимиз Туроб ака "Ким бўлмоқчи-сан?" деб сўраганларида ишонасизми, ҳеч иккиланмасдан актёр бўламан, деганим ҳамон эсимда. Демак, ўшандаёқ Оллоҳ пешонамга шу тақдир йўлини битган экан-да. Ҳеч қачон нолимайман, шўх қиламан, баҳоли қудрат ижод қилиб, кам бўлмадим.

— Сиз ҳақингизда гап кетса, болалигиданок машҳурликка эришган эди, дейишади. Шу маънода ёшликда шўхрат қозонганлар ана шу доврўгини кейинчалик йўқотиб қўйишини қандай изоҳлайсиз?

— Шўхрат бу тўғма истеъдод ва ана тимисиз меҳнат, қолаверса, омад ортидан келадиган обрў. Мен уни учқур отга қиёслаймаман. Унинг соҳиби бошқаришни ҳам, авайлашу қандай ҳаракат қилмоқлик лозимлиги-

Юртимизнинг ҳар бир худудида тўй-маросимлар билан боғлиқ ўзига хос урф-одатлар бор. Масалан, Самарқанд томонларда келинни куёвга яқин бир оила, яъни эр-хотин гиламга ўхшаш бирор рўзгорбоп буюм билан кутиб олади. «Олдига чиққан ота-она» билан янги оила ўзаро қариндош тутинишади, фарзандлар ака-ука бўлади... Фарғона водийсидаги айрим туманларда эса бу одат сал бошқачароқ. Келин янги хонадонга кириб келаётганида, куёв томонидан сайланган ёши улуг бир аёл кутиб олиб, шакар қўшилган қатиқ ичкизади. Шу дақиқадан бошлаб, у келиннинг тутинган она («қатиқ ичкарган ая»)си ҳисобланади. Қатиқ — поклик, ёруғлик, фаровонлик тимсоли, икки ёшнинг ҳаёти ёруғ бўлсин, деган ниётлар рамзи. Аммо вақт ўтиб, шундай хайрли одат ҳам ўзгарибди. Яқинда водийдаги бир қариндошимизнинг тўйида иштирок этиб хайрон қолдим.

Тўйхона дастурхони нознеъматлар билан тўла. Икки тарафни беэаб ўтирган йигит-қизлар келиннинг даврага кириб келишини интизорлик билан кутаётди. Ниҳоят... куёв ва оппоқ либосли малак кўринди, меҳмонлар ўрниларидан туриб, уларни олқишлашди. 25–30 ёшлар атрофидаги сочини сариқ ранга бўяб олган ёшгина жувон келиннинг қулоғига тилла зирак тақиб қўйди. Маросим тугагач, келин унга таъзим қилди. Даврабоши баланд овоз билан: «Янги ая муборак!» дея қўтлади.

— Ахир, бу аёл жуда ёш-ку, келинга қандай аялик қилади? Бу вазифа ёши каттароқ онахонларга юкланса бўлмайдими? — дедим ёнимда ўтирган аёлга юзландим.

— Йилари шунақа эди. Бириккита келин олган, кўпни кўрган онахонлар тутинган ая бўлишарди. Ҳозир тилла зирак



## ҚАТИҚ ЎРНИГА... ТИЛЛА ЗИРАК

олишга кимнинг кўрби етса, ўша ая бўлаяпти, — деди ҳамроҳим нописандлик билан.

Афтидан, бу «янгилик» урфга кирганига анча бўлган, шекилли, мендан бошқа ҳеч ким ажабланмади ҳам. Тилла зиракни-ку бир амаллаб сотиб олиш мумкин. Аммо боядан бери даврани бўшатмай ўйнаётган анави ёш «аяча»нинг ўзини тутиниши кўриб хайрон қолдим. Ахир, келин шундоғам ўзи тарбияга муҳтож бўлган «аяча»сидан нимани ўрганиши мумкин?

Афсуски, ёпишмаган гажадек «замонавий» анъаналар юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам урчиб бормоқда. Шу маънода, ёшларнинг бахти учун эмас, шунчаки ҳўжакўрсин учун хизмат қиладиган, умуман кераксиз одатларнинг олдини олиш, асрлар синовидан ўтган эзгу қадриятларимизни асл ҳолича сақлаб қолиш маҳалла маслаҳатчиларининг зиммасига ҳам катта вазифа юкляпти.

— Тўй-ҳашамларнинг кам-харж, ичхамгина ўтишини таъ-



минлаш мақсадида бир неча йиллардан бери аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот олиб борамиз, — дейди Тошкент вилояти Зангиота тумани Шодлик маҳалласи маслаҳатчиси Мавлуда Абдурахимова. — Аммо бир дабдабани йўқотсак, ўрнига иккинчиси пайдо бўлаяпти. Фаолиятимизнинг асосий йўналишини аёлларнинг маънавий дунёқарашини оширишга қаратаётганимиз боиси шу. Эرкак кўчадан ишлаб пул топиб ке-

лишни билади, уни қандай ишлатиш аёлнинг зиммасида. Уй бекалари оқила, эрининг бирини икки қиладиган, маблағни жой-жойига сарфлайдиган бўлиши лозим.

Туманимиз билан шаҳар ўртаси йигирма минутлик йўл. Аҳолимиз шаҳарга бориб ишлаши, етиштирган деҳқончилик маҳсулотларини сотиб келиши мумкин. Хуллас, ишлайман деганга имкон топилади. Аммо орамизда кўрган кунига ношукрлик қиладиганлар ҳам йўқ эмас. Қачон қараманг, ҳаётидан нолигани-нолиган. Яқинда маҳалламиз аёллари билан Навоий вилоятининг Нурота туманига саёҳатга боргандик. Ҳозир мрамр конини ҳам алоҳида бориб

кўрдик. Атроф нукул тош, деҳқончилик қилишга имкон йўқ. Аммо ўша ерда ҳам ҳаёт бор, яшаш бор. Одамлар икки тошнинг орасида ҳам шундай гўзал ҳаёт кечиришаётганига ҳавасим келди. Коллеж ва мактаблардан чиқиб келаётган йигит-қизларни кўриб қувондик... Хуллас, маҳалламиз аёллари саёҳат давомида ибрат олса аризуғат кўп нарсаларга воқиф бўлишди. Юрган дарё, ўтирган бўйра, деб беҳиз айтишмайди-да.

Ҳа, инсон маънавиятини оширишнинг минг битта йўли бор. Юрт бўйлаб саёҳат ҳам шулардан бири. Одам кўравергани сайин фикр қилиб, шукр қилиб, дунёқарашини ҳам ошиб бораверади. Шунда тилла узугу занжир, қўша-қўша мебеллар заррача бўлсин бахт беролмаслигини англайди. Энг муҳими, беш кунлик дунёда қандай яшашни ўрганади.

— Маҳалла фаоллари ёрдами билан ҳозир тўйларимиз дабдабали кафе-ресторанларда

эмас, хонадонларда ўтказиладиган бўлди, — дея сўзида давом этади Мавлуда Абдурахимова. — Тўй ўтказиш учун фақатгина кафега энг камида бир ярим миллион маблағ кетаркан. Ўша пул келин-куёвнинг ўқишига, хунар ўрганишига сарфланса яши эмасми? Хатна тўйлари ҳам илгаригидек дабдабали бўлмаётди. Яна бир ютуғимиз, тўй олдида ўтказиладиган нон синдириш, кичик фотиҳа, тўй берди маросимлари ҳам қисқартирилди. Қисқаси, одамларимиз фойдазарарнинг фарқига етиб бормоқда. Аммо ўрганган кўнгил ўртанса кўймас, деганларидек, дабдабазликдан ҳамон ўзини тиёлмаётган юртдошларимиз ҳам йўқ эмас. Яқинда бир танишим куйиб-пишиб: «Шу ойнанинг охирида опам қизини турмушга узатмоқчи. Элита пардаси билан тилло узук меннинг бўйнимда. Яна, куёвга ҳам бир сидирга тоза сарпо қилишим керак», дея нолиб қолди. Бу аёлнинг эри устачилик қилади. Наҳотки у оила бошлиғи минг машаққат билан топаётган пулни кўчага соурса? Бундан не наф? Қайтанга шунача маблағни фарзандларининг саломатлиги, ўқиб-ўрганиши учун сарфлашса бўлмайдими?

Сухбатдошимиз ҳақ. Албатта, тўй-томошаларнинг бўлгани яхши. Бу юртимизнинг тинчлигидан, фаровонлигидан дарак беради. Аммо инсон қайтарилмас умрини аризмас ҳою ҳавасларга сарфлаб юбормаслиги керак. Майли, қизингизнинг бўйинида тилла занжири бўлсин, аммо қўлида хунари ҳам бўлмаса, турмушидан тинчиб кетоладими, ўз ҳаётини мустақил йўлга қўя оладими? Яхшиси, фарзандларимизга ўткинчи бойлик эмас, бундай мол-давлатларнинг қанча-қанчасини топишга омил бўладиган илму хунар берайлик.

**НИГОРА РАҲМОНОВА,**  
«Оила ва жамият» муҳбири.

## ТЎҚИС БАХТ ВА ТУМАН БОЙЛИК АСОСИ

Оилани муқаддас кўрғонга менгзайдилар. Унинг қанчалик мустаҳкамлиги эса соҳиблари, яъни ота-оналарга боғлиқ. Уларнинг тўрт мучаси соғ бўлса, оилада соғлом турмуш тарзи устувор, улар билимли, дунёқарашини кенг бўлса, оилада маънавий муҳит хукмрондир.

Ҳар бир ёш ФХДЭ бўлимига ариза берар экан, мана шундай мустаҳкам кўрғон қуришни ниёт қилади. Аммо бу эзгу ниётларини амалга ошириш учун нималар қилиши даркорлиги ҳақида доим ҳам ўйлаб кўравермайдилар. Шу маънода, ёшларимизга тўқис бахтнинг ҳам, туман бойлигининг ҳам асоси соғлиқ-саломатликда эканини тушунтириш айна муддао. Хусусан, бўлимимизга оила қуриш истагида мурожаат этган йигит-қизларга тиббий кўрикдан ўтишининг моҳияти тушунтирилиб, сўнг тиббиёт муассасаларига йўлланма берилади. Ирсий касалликлар бўйича чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш йўлга қўйилгани ҳам носоғлом фарзандлар дунёга келишининг олдини олишда муҳим омилдир.

Оила кодексининг 49-моддасига қиритилган ўзгартиришга асосан, никоҳланувчилардан бири оила қуриш мақсадида бўлмай никоҳни қайд эттирса, шунингдек, тумонларнинг бири ўзида тери-таносил ёки бошқа касалликлар борлигини яширган тақдирда, бу ҳол никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш учун асос бўлади. Бўлимимиз ходимлари аҳоли орасида, хусусан, қорхона ва муассаса, мактаб ва касб-хунар коллежларида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларида ана шундай муҳим ҳолатлар, жумладан, қонунчиликдаги ян-



гиликлар ҳақида ҳам бохабар этишмоқда. Айниқса, коллеж ва лицей битирувчилари учун мунтазам фаолият юритаётган «Ёш оила қурувчилар мактаби» машғулотлари катта қизиқиш уйғотмоқда. Малакали тиббиёт ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, диний идора вакиллари, туман ҳокимлиги мутахассисларининг иштирок этиши тадбирлар таъсирчанлигини ошириб, янада кўпроқ ёшларни жалб этиш имконини берапти. Ҳар бир тингловчи машғулотдан ўзи учун зарур нимадир олиб кетса, шу ҳам оилаларимизни мустаҳкамлаш йўлидаги бир қадам эмасми, аслида?!

**ДИЛБАР УЗОҚОВА,**  
Ҳузур туман ФХДЭ бўлими мудири.

Янги туғилган фарзанд билан уйимизга нур, оиламизга бахт, келажакка умид кириб келади. Ота-онанинг бирдан-бир орзуси — фарзандларининг тўрт мучаси бутун туғилиб, жисмонан соғлом, ахлоқан пок инсон қилиб вояга етказишдир.

Бу истақларга эришиш учун эса оилада, энг аввало, моддий ва маънавий олам уйғунлигига эришмоқ лозим. Янги оила барпо этишдан олдин мажбурий равишда ўтказиладиган тиббий кўриқдан кўзланган мақсадлардан бири ҳам шу! Бунда асосан наслдан наслга ўтадиган руҳий (эпилепсия, олигофрения, шизофрения), гиёҳвандлик, сил, захм (тери-таносил) ва

ОИВ/ОИТС касаллиги бўйича текширилади. Туман ФХДЭ бўлими 2009 йилнинг етти ойи давомида 577 та никоҳни қайд этган бўлса, 5 нафар никоҳланувчида руҳий касаллик аниқланган. 2010 йилнинг шу даври мобайнида эса 589 та никоҳ қайд этилди. Тиббий кўрик натижасида 6 нафар шахсда руҳий ва 3 нафарда сил касаллиги борлиги маълум бўлди ва тумонларнинг ўзаро розилиги аризада ақс эттирилиб, никоҳлар қонуний равишда қайд этилди.

Ёшларни оилага тайёрлаш мақсадида бўлимимиз қошида «Ёш оила қурувчилар мактаби» курси ташкил қилинган. Тумандаги коллеж, лицей ва мактабларда ўқувчиларга тиббий кўриқнинг аҳамияти, эрта оила қуришнинг олдини олиш сингари муҳим масалаларда тушунчалар берилмоқда, ёшларнинг ҳуқуқий ва тиббий маданиятини, маънавиятини оширишга ҳаракат қилаяпмиз.

Жисмоний соғломлик ва маънавий бойлики қушнинг қўш қанотига ўхшатиш мумкин. Уларни бир-бирисиз таъсирли этиш мушкул. ФХДЭ бўлимига оила қуриш мақсадида келган ҳар бир йигит-қизга бу фикрни уқтира олсак, бизнинг ютуғимиз ҳам шу!

**Юлдуз РОҲАТОВА,**  
Тошкент туман  
ФХДЭ бўлими мудири.

**Даврон ТОЖАЛИЕВ**  
олган сурат.

# ЭХТИМОЛИ КАМ, ИМКОНИЯТИ КЎП

✓ СОҒЛИГИНГ — БОЙЛИГИНГ

✓ МУТАХАССИС МАСЛАХАТИ

Аёл борки, олам мунаввар. Бу мунавварлик оиладан бошланиши кераклигини барчамиз яхши биламиз. Соғлом муҳтисиз эса на бахт, на фарах бўлади. Шу маънода, бугун дунё бўйича ОИВ/ОИТС билан боғлиқ муаммолар минг-мингга оилалар фаровонлига чанг солаётганини ва бундай хасталиқдан сақланиш йўллари биле олишимиз мақсадга мувофиқдир.

## ТАТУИРОВКА, Пирсинг, татуаж...

ОИВ одамнинг иммунитет танқислиги вируси бўлиб, организмни турли касалликлардан ҳимояловчи тизимни зарарлайди. Вирус одам танасидаги суюқликлар ва қон, сперма, жинсий аъзолар ажратмалари ва кўкрак сutiда бўлади. Вирус одамга уч хил йўл билан, яъни жинсий, қон орқали (парентерал), онадан болага (вертикал) юкдади.

ОИВнинг бегона шахслар билан бетартиб жинсий алоқада бўлганда, гиёҳванд моддаларни томир орқали қабул қилганда, вирус билан зарарланган, текширилмаган қон ва унинг таркибий қисмлари беморга куйилганда, зарарсизлангилмаган жарроҳлик, доялик, стоматологик ва бошқа тиббий асбоблар орқали муолажа олганда, шприц ва игналардан умумий фойдаланганда юқиши бугун кўпчиликка сир бўлмас керак. Аммо баданга расм чиздириш (татуировка), тананинг турли жойларига тақинчоқлар тақиш (пирсинг), қош ва лабларга ранг бериш (татуаж) орқали ҳам организмга вирус тушиши мумкинлигини аскариятимиз беҳабармиз. Айниқса, шахсий гигиена воситалари — тиш чўткаси, соқол устари ва тирноқ аррачаси сингари асбоблардан умумий фойдаланмасликка эътибор қаратиш зарур.

Бундай вазиятларда ҳам касалликнинг юқиши эҳтимолдан холи эмас. Шунинг унутмаслик кераки, ОИВ қўл бериб кўришганда, кучоқлашганда, бассейн, ҳаммом, ҳожатхонадан умумий фойдаланганда, бирга овқатланганда, умумий идиш-товоқдан фойдаланганда, кийим-кечак ва кўрпа-тўшак орқали юкмайди.

## ХАР ЭХТИМОЛГА ҚАРШИ

Одамнинг ташқи кўринишидан ОИВ юқтириб олган-олмагани сезилмайди. Унинг ўзи биле-билмай касалликка бошқаларга юқтириб юриши мумкин. Шу боис кўнгилда заррача шубҳа бўлса-да, ҳар эҳтимолга қарши қонни лаборатория текширувидан ўтказиб, вирусдан холи ёки холи эмаслигига аниқ-

лиқ киритиб олиш керак. Буни истаганлар ўзлари яшаб турган жойдаги поликлиника, тери-таносил касалликлари диспансерлари ёки ОИТСга қарши кураш марказининг ишонч хоналарига мурожаат этишлари мумкин. Бу ерда аҳолига бепул, мурожаат этувчининг истагига кўра, шахсини сир сақлаган ҳолда хуфёна хизмат кўрсатилади.

Янги ҳаёт оstonасига қадам қўйишдан аввал ҳам никоҳланувчи ёшлар психиатр, нарколог, фтизиатр, тери-таносил шифокори кўриги билан бирга, ОИВ/ОИТСга текширишдан ўтиш учун маҳаллий поликлиникага ёки ОИТСга қарши кураш марказларига мурожаат этишлари лозим.

## СОҒЛОМ ТУГИЛИШ МУМКИН

Вирус онадан болага ҳомиладорлик даврида жароҳатланган йўлдош орқали, туғилиш жараёнида туғруқ йўллари жароҳатла-

ниши туфайли ва болани эмизish маҳали она сuti билан ўтиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан алоҳида чора-тадбирлар олиб борилаётди. Ҳомиладорликнинг дастлабки 3 ойлиги (12 ҳафталиги)да поликлиника, қишлоқ врачлик пунктларига рўйхатдан ўтилаётганда, ОИВ инфекциясига бепул, ихтиёрий текширилиш ва касаллик ҳақидаги зарурий маълумотларни биле олиш мумкин. Ҳомиладор аёлда ОИВ инфекцияси аниқланганда, у антиретровирус дори воситалари билан бепул таъминланиб, профилактика ишлари олиб борилади. Бундай препаратлар ҳомиланинг мезъериди ривожланишига ноҳус таъсир этмайди. Доимий равишда шифокор кўрсатмаларига риоя этиб борилса, фарзанд соғлом туғилиши мумкин.

## ХАЛИ ИМКОНИЯТИНГИЗ КЎП

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар хил юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш учун зарурий чоралар мунтазам амалга ошириб келинмоқда. Бироқ ҳар бир инсон ўз соғлиғи учун, энг аввало, ўзи қайғурмоғи лозим. Сиз ОИВ/ОИТС дардига дучор бўлмаганмисиз, демак, бу касалликка чалинмасдан соғлом яшаш учун ҳали имкониятингиз кўп. Бунинг учун эса гиёҳванд моддаларни истемол қилишдан сақланиш, тасодифий жинсий алоқалардан ўзни тия билиш, тиббий муолажа вақтида асбобларнинг зарарсизлангилганига доимо аҳамият бериш зарур.

Пирсинг, татуировка, татуаж соғлиқ учун катта ҳаф тугдиришни унутманг. Тиш чўткаси, устара, тирноқ аррачаси сингари шахсий гигиена буюмларингиздан фақат ўзингизгина фойдаланинг. Хулоса шуки, соғлом турмуш тарзига амал қилинса, ОИВ/ОИТСга мубтало бўлиш эҳтимоли кам, ундан сақланиш учун эса имконият кўп, бунинг турли хил йўллари бор.

**Моҳиғул МУСАБЕКОВА,**  
Республика ОИТСга  
қарши кураш маркази  
врач эпидемиологи.

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

## 5-машқ

Қорин соҳасида иссиқлик сезгисини пайдо қилиш, бундан олдинги барча машқлар бирлаштирилгандан кейин «Қорним юмшоқ ва иссиқ» деган жумла қўйилади. Қўл қафти тўш ости соҳасига қўйиб турилса ҳам бўлади. Бу жумла ҳам 6 марта такрорланади.

## 6-машқ

Пешонанинг муздек бўлиб туюлишини ҳис қилиш билан боғлиқ ушбу машқни ўрганиш ҳам худди аввалги машқлар услубига ўхшайди. Яъни олдинги 5 та формуланинг ҳаммаси бирлаштирилади, сўнгра «Пешонам муздек, бирам яхши» деган жумла қўйилади. Аввалги сўзлар бирикки марта, кейингилари (олтинчи машқ) эса 6 марта такрорланади. Машқ одатда «кўнглим хотиржам» деган сўзларни такрорлаш ва одам ўзини фаол равишда тинчлик ҳолатидан чиқариши билан тугалланади.

Аутоген машқ таҳминан 10 дақиқа давом этади (6 та машқнинг барчаси бажариладиган бўлса). Лекин мустақил машғулот учун кўпинча 5–7 дақиқа кифоя қилади. Бироқ ҳар бир жумла мазмунини кўз олдига келтириш, гўё «хотирага ўрнашиб қолиши» кераклигини ҳамиша ёдда тутиш лозим.

Бу борада бизнинг «DOCTOR-D» ихтисослаштирилган клиникамизда керакли муолажалар, тиббий ёрдамлар кўрсатилади (тел: +99871-113-00-57). E-mail: hospital@doctord.uz. URL: <http://www.doctord.uz> (t)

## СОҒ БЎЛСАК — ДУНЁ ГЎЗАЛ

— Саломатлик — туман бойлик, дейдилар. Қачонки, соғу саломат бўлсангизгина, одамлар, атроф-муҳит, қўйингки, бу дунёнинг бор гўзаллиги, латофатини чуқур англайсиз, ҳис қиласиз. Аксинча, сал тобингиз қочса борми, кўнглингизга ҳеч нарса сиғмайди, — дейди пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур туманига қаршли 43-сонли оилавий поликлиника бўлим мудири, олий тоифали терапевт Нигора Мағрупова.

Дарвоқе, мазкур тиббиёт маскани ҳодимлари оилаларда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда мавсумий хасталиқларни даволаш ва олдини олишда хайрли ишларни амалга оширишмоқда.



# БАҲОДИРЛАР ИЧИМЛИГИ:

## белга қувват, юракка мадор

Ота-боболаримиз бия сутидан қимиз, туя сутидан эса қумрон тайёрлаб, асрлар давомида ҳам физо, ҳам шифо мақсадида ичиб келишган. Улар қимизни «баҳодирлар ичимлиги» деб атаб, мушакларга куч, юракка мардлик ва жасорат берадиган хусусиятини яхши билишган.

Қимиз фақат беморлар учунгина эмас, балки соғлом одамларга ҳам қони фойдадир. В.Даль қимизнинг хосиятларига тўхталиб, шундай ёзган эди: «Қимиз салқинлик беради, ҳам чанқоқ босади, ҳам очликдан сақлайди, киши организмга тетиклик бағишлайди... Қимиз ича бошлагач, бир ҳафтадан сўнги киши ўзида тетиклик сезади, нафас олиш осонлашади, юзга ёқимли ва чиройли ранг югура-

ди». Шифокорлар, табиблар, доришунос олимларнинг изланишлари, кузатишларидан сўнг қимиз қимматбахо озиқ-овқат маҳсулоти ва шифобахш дори-дармон сифатида тан олинган. Муҳаммад Хусайн «Маҳзан ал-адвиййа» асарига: «Бия сути иш-таҳари очади, эрлик қувватини оширади, ични мулоим қилади, буйрак яраси ва пешоб йўли иллатларига қарши фойда беради», деб ёзди. Қимиз ҳақида эса қуйидаги сатрларни ўқиймиз: «Бия сутининг ачитилгани «қимиз» дейилади. У хосиятда ачитилмаган бия сутига қараганда кучлироқ, Айниқса, истиско ва баъзи иситма турларига қарши фойдали. Ажойиб хосиятларидан бири шуки, чечак чиқмаган болаларга оз-оздан қимиз ичириб турилса, чечак умуман

чиқмайди, чикса ҳам уч-тўрт донадан ошмайди».

Таниқли олим А.Левининг эса «Қимиз таркиби ва одам организмга роҳатбахш таъсири билан барча шифобахш ичимликларга нисбатан катта устунликка эга», дея таъкидлаган. Олимларнинг маълум қилишича, қимиз таркиби организмга энгил сингидиган оксилларга бой. Қимизда салмоқли микдорда кальций тузлари бўлиб, асаб тизими фаолиятини яхшилайти ва сил хасталигида жароҳат ўчоқларини тугалишига мойиллик яратади. Қимизда микроорганизмлар фаолияти натижасида ҳосил бўладиган низин номли антибиотик моддаси борлиги аниқланган. У сил касаллиги таёқчаларининг ривожланишига тўсқинлик қилиб, хасталиқдан фориғ бўлишга ёрдам беради.

Ичимлик таркибидида А, С ва

В гуруҳидаги витаминлар асаб тизимини мустаҳкамлайди, иштаҳа очади, модда алмашинуви-га ижобий таъсир кўрсатади. Камқонлик, миокард инфаркти, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яллиғланиши, гастрит, цинга, бронхит, нафас олиш йўллари, ич кетиши, дармонсизликнинг даволашда яхши натижа беради. Яра тузалишини тезлаштиради, ошқозонда шира ажралишини тартибга солади, юракни бақувватлаштиради, қон ишлаб чиқарилишига яхши таъсир қилади.

1858 йили рус шифокори Н.Постников Россияда қимиз билан даволадиган дастлабки шифохонани очган. У қимизнинг киши танасига таъсирини кузатиб «бақувват қилади, даволайди, семиртиради ва одам табиятини янгилайди» деган хулосага келади. Маълумотларга қараганда, буюқ ёзувчи Лев Толстой

ҳам қимиз ичиб даволанган экан.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда, хусусан, Пахтали кўл, Чимён ва бошқа санаторийларда қимиз билан даволаш йўлга қўйилди. Ортимишда бундай шифо масканларини кўпайтириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Қимиз ишлаб чиқариш ривожлантириш ва шу асосда айрим касалликларни даволашни йўлга қўйиш учун, айниқса, Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги Каримота ва Баҳмал туманидаги Музбулоқ қишлоқлари ён-атрофи қулай табиий-географик жой саналади. Тадбиркорларимиз мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, эл-юрт дастурхони тўқинчилигини таъминлаш, халқ саломатлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшсалар, айти мурдао бўлар эди.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ,**  
доцент



ДУШАНБА 23

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.10 «Икки тақдир». Т/с.
8.00 «Тахлинома».
8.45 - 9.45 «Маянавият» дастури.
09.45 «Бизнинг кутубхона».
10.05 «Ур тўқмоқ». М/ф.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Умр манзаралари».
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кўшли ўлкам».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Аёл бахти».
13.20 «Тарих кўзгуси».
13.40 «Андерсен эртаклари».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ватанпарвар».
15.05 «Олам ва одам» дастури.
16.00 «Ватан манзиллари».
16.20 «Навойнинг англashi».
16.40 «Икки дарё оралигида».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон».
17.15 «Менинг оилам».
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».

18.00 «Умр манзаралари».
18.45 «Минг бир ривоят».
18.50 «Рамазон туҳфаси».
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.10 «Хаёт жилгалари».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон».
22.00 «Кирол ва мен». Т/с.
22.45 «Агора». Б/ф. 1-қисм.
23.45 - 23.55 «Очун».

YOSHLAR
06.00 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Табассум қўл!»
07.00 «Мультипанорама».
08.00 «Ёшлик наволари».
08.20 «Кумуш». Т/с.
09.10 «Ижод мактаби».
10.00 «Давр ҳафта ичиди».
10.30 «Болалар табассуми».
10.40 «Инсон ва шер». Т/с.
11.10 «Салом, ёшлар!»
11.50 «Император аёл».
12.40 «Ёшлик наволари».
13.00 «Ўзғирган оразу».
13.10 «Баркамоллик йўлидан».

13.30 «Пуаро». Т/с.
14.20 «Келажак эгалари».
14.40 «Афсона ва ҳақиқат».
15.30 «Илҳом қанотлари».
16.00 «Давр».
16.10 «XXI аср технологиялари».
16.30 «Инсон психологияси».
17.00 «Мультипанорама».
17.10 «Ўғирланган оразу».
18.00 «Рўзгор мактаби».
18.30 «Қорақалпоқ ёшлари».
19.00 «Давр».
19.30 «Кумуш». Т/с.
20.20 «Давр мавзуси».
20.30 «Автопарул».
20.50 «Император аёл».
21.40 «Ёшлик наволари».
22.00 «Давр».
22.30 «Юэсиз». Б/ф.
00.00 «Ёшлик наволари».
00.20 «Мўъжизавий дунё».
Вақтни қўлдан бой берманг. Акс ҳолда ўтган бир сонияни ҳам ортага қайтариб бўлмайди. Молиявий харажатларда ўйлаб иш кўринг. Ўткинчи хоҳиш-истакларга қулук тутсангиз ҳафта сўнгидан аттанг қилиб қолишингиз мумкин.

**Тоғ эчкиси (22.12–20.01)**

Шартномалар тузиш, хизмат сафари уюштириш учун унчалик кўнглили ҳафта

эмас. Аксинча, янги гоғларни юзга чиқариб, мағлубиятингизни кутиб юрган инсонларга «кўрсатиб қўйиш»нинг айнаи вақти. Соғлигингизга келсак, сурункали хасталик яна бош кўтариши эҳтимолдан холи эмас.

**Қовға (21.01–19.02)**

Ҳафта истаганингиздек кечади. Шахсий муносабатларда ҳам лидерлик сиз томонда. Фақат, бундан ўзгалар хафа бўлиб, сизга қарши очикдан-очик курашиши мумкин. Молиявий фойда қўрибгина қолмай, ундан унумли фойдаланасиз. Янги жиҳозлар, қимматбаҳо харидлар уйингизни тўлдирари.

**Балиқ (20.02–20.03)**

Дўстлар орттириб, ҳаётга ижобий ёндаша бошлайсиз. Изланишларингиз ортиб боргани туфайли дам олиш вақтингиз қамайиши мумкин. Афсусланманг, меҳнатларингиз яхши баҳоланганда барча чарқоқлар унутилиб кетади.

**Нурхон ПАРДА қизи тайёрлади.**

# СУҚ БАЛОСИДАН АСРАСИН...

## САССИЗ БУЙРУҚ

Нима сабадан баъзи пайтларда айримлар нигоҳидан вужудимизга илиқлик таралганини сезсак, баъзи қарашлардан этимиз музлаб кетади? Бунинг жавобини кўпчилик яхши билса керак. Инчунун, ўтган асрдаёқ телепатия бўйича тадқиқот ўтказган олимлар «кўриш нурлари» ҳақида «Биологик радиоалоқа» номли илмий рисолини ҳам яратилган. Унда айтилишича, кўз қараши миядаги биорадиацион нурланишнинг ингичка тизимчаси ҳисобланар экан. Бундай хусусиятга эга одамлар кўз қараши орқали ўз фикрини узната олади. Масалан, машҳур ҳайвон ўргатувчи В.Л. Дуров олимларга ўз фикрини жонзотларга қай тарзда ўтказишини намойиш этиб берган. Дуров Марс лақабли қучуқчага меҳмонхонадан дахлизга чиқиши, у ердан маълумотлар китобчасини телефон ёнида ётган китоблар орасидан топиб, тишлаганча изига қайтишини фикран буюради. Ҳайвон ўргатувчи қучуқчанинг кўзларига ярим дақиқача тикилиб турганидан сўнг, жонивор унинг топиригини беҳато ижро этиб берган. Биргина Дуровнинг ўзи билан бу тадқиқотларнинг 1300 таси ўтказилиб, уларнинг деярли ҳаммаси муваффақиятли чиққан.

## АЙИҚНИ МАВҲ ЭТИБ...

Хўп, Дуров ноёб қобилият эгаси бўлган, бунинг устига ҳайвонлар руҳия-



тининг билимдони ҳам дейлик. Аммо баъзида шундай бўладими, киши ўзи билмаган ва англамаган тарзда кўзи орқали мияга буйруқ бера оларкан. Масалан, 55 ёшли Стив Мак-Келлон деган овчиға тўсатдан баҳайбат айиқ ҳужум қилиб

қолади. Ўзини ҳар ён уриб, йирткичдан химояланишга уринаётган овчи беихтиёр ханжар тутган қўлини олдинга чўзганча, айиқнинг кўзларига кўзини тикиб қолади. Овчининг нигоҳлари даҳшат ва қаҳрга тўла эди. Қолаверса, у яхши билардики, қутурган, ғазабланган йирткич махлуқнинг кўзларига тик қараш ниҳоятда хавфли бўлиб, бундай қараш жонзотни баттар жазавага солиб, унинг асабини бузади. Аммо чорасиз қолган овчи ўлими муқаррарлигига тан бериб, айиқнинг кўзларига тик қараган эди.

Ва бир пайт ҳаммаси чаппасига айланган: баҳайбат айиқ гурс этиб ерга ағанади. Айиқ жон таслим қилганди. Энг қизиғи, жониворнинг танасида қилча ҳам жароҳат изи йўқ эди.

Тадқиқотчилар фикрича, бу баҳайбат жонзот ўлимига овчининг нигоҳи сабаб бўлган. Овчининг кўзларидоғи қаттиқ кўрқув натижасида таралган кучли биоэнергетик импульс айиқполвон миясидаги барча асаб тизимларини бир лаҳзадаёқ кунпаякун қилиб юборган эди...

## «КЕЛ ЁНИМГА ЯҚИНРОҚ!»

Аммо фақатгина одамзот юқори фикрлаш салоҳиятига эга бўлгани учун ҳам нигоҳлари билан бошқа жонзотларни бошқара олади, дейиш унчалик тўри эмас.

Масалан, машҳур француз табиатшуноси Леволлан Ҳиндистон чангалзорларида ов қилиб юрган бир пайтда ўз-ўзидан йўналишини ўзгартириб, бутунлай бошқа томонга кета бошлади. Леволлан ихтиёрига бўйсунмаётган оёқлари қаёққа бошласа, ўша томонга бора-бора бирдан нақ уч метр келадиган илонга рўпара келиб қолади. Газанда унинг кўзига тикилганча янада ўзига яқинроқ келишга ундарди. Илонга бутунлай юзма-юз бўлишига бир неча одим қолгандагина олим қарахот қотган қўлини зўрға қимирлатиб, қуролдан илоннинг бошига қарата ўқ узишга улгуради. Аммо гипнозчи илон типирлай-типирлай, ниҳоят, жон таслим этганча қил этмай қолгандан кейин ҳам, олим анча муддат ўзига келолмай қарахот қолаверди...

## ЁВВОЙНИНИНГ ЎЧИ

Кўз билан уриш, нигоҳ орқали бошқариш, суқини қиритиш қадимги одам-

лар орасида бўлгани каби, ҳозирги замонда ҳам мавжуд. Айниқса, ёввойи қабилалар орасида кўз воситасида буйруқ бериш энг асосий жоду амалларидан ҳисобланади. Масалан, XIX аср охирида мустахлама мамлакат бўлган Ҳиндистонда ишлаб юрган юқори маквели инглиз амалдорларидан бири Карстеннинг бошидан ўтказган саргузашти ҳам бунга мисол бўла олади. Бир сафар у улфатлари ва бир неча ҳинд қуллари билан фил овига чиқди. Омади келиб, улкан филни отиб ўлдиради ҳам. Аммо аксига олгандек, ўша пайт у филнинг дандини кесиб оладиган ханжари йўқлигини пайқаб қолади. Карстен ҳинд қулларини фил мурдасини кўриқлаб туриш учун қолдириб, ўзи дўстлари билан ханжар излаб, яқин-атрофдаги плантациялардан бирига кетади.

Дўстлар у ерда ҳам ушланиб қолишади. Плантация хўжайини анча меҳмондўст бўлиб, Карстен ва шерикларини виски билан обдон сийлайди. Қолаверса, омадли овни нишонлаш ҳам керак-ку! Орадан уч соат ўтгачина фил ётган жойга қайтган инглизлар галати манзарага дуч келади.

Филнинг атрофини пакана бўйли, ярим ёввойи одамлар ўраб олишганча, унинг тишларини сугуриб олишга уриниб ётишар, қўл ҳиндулар эса чакалакзор ичига яшириниб олишганди. Карстен қулларга бу тайёрига айёр ёввойиларни ҳайдаб юборишни буюрганда, улар бундан кескин бош тортадилар.

«Хўжайин, улар муллу-курумлар. Кимки уларни хафа қилса, ажал топади», дейишади қуллар ваҳима билан. Жаҳли чиқиб, жазавага тушган, боз устига спиртли ичимлик туфайли анча «қизиб» турган Карстен дағдаға билан фил бошида куймаланаётган ёввойиларнинг устига босиб боради-да, уларнинг тўдабошисини сочиниб бураб, ерга ағанатиб, бамбуқ таёғи билан аёвсиз савалай кетади. Дўппосланган пакана ёввойи зўрға ўридан туриб, Карстенга шундай тикиладики, унинг бу қарашига дош беролмаган инглиз ёввойини яна азот кўтариб олади-да, чангалзорнинг ичига бор кучи билан отиб юборади.

Уйига қайтган амалдор анчагача ўзини ўша нигоҳ таъсирида галати сезиб ўтиради. Боз устига унинг ўша пакана ёвво-

## СИНОАТЛИ ДУНЁ

йини урган ўнг қўли ловуллаб, қизиб борарди. Эртасига соғлом ва бақувват бўлиб юрган бу одам ўридан туролай қолади. Уни зудлик билан Деҳлига олиб келишади. Аммо энг зўр шифокорларнинг қўлидан ҳам ҳеч нарса келмайди: Карстен даҳшатли азоблар ичра вафот этади...

## «КЎЗ ТЕГДИ»

Нигоҳ билан жон олиш фақат шеърӣ сатрлари ярим ёввойи қабилалар



орасидагина мавжуд эмас. Бундай хусусият ривожланган халқлар орасида ҳам учрайди. Яқинда бир фирма директори кўл остида ишлайдиган ходимини қандайдир сабаб билан роса «тузлади». Бақирди, сўкди. Ўша ходими янги ишга келганини хисобга ҳам олмай, уни барча ҳамкасбларининг олдида ерпарчин қилди. Ходим бунга жавобан миқ этмади. Фақат хўжайиннинг кўзларига қаттиқ ва галати тикилиб қолди. Орадан беш дақиқа ўтгандан кейин эса директор бирдан хириллаб қолди ва ҳушидан кетди. Типирчилаб қолган ходимлар «тез ёрдам» чақирди. Етиб келган шифокорлар фақат бир нарсани аниқлай олишди холос: директор жон таслим этганди!

Шундай экан, сиз жисмонан кучли ва ўта қудратли бўлсангиз-да, ўз ғазабингизни энг оқиз ва нотавон бўлиб кўринган одамга ҳам сочинга шошилманг. Яхшиси, ўша одамнинг кўзига хотиржам қарай бўлиш, бу ҳар ҳолда фойдали, хавфсиз ва, энг муҳими, қизиқроқ ҳамдир.

Дилфуза ҚЎЗИЕВА тийёрлади.

— Бўлди, бориб отамни олиб келаман. Кас-нокасинг маломатидан қийналиб кетдим...

Онамга индамай, укаларимга ҳеч нарса демая, йўлга тушдим. Онам билса ранжиши тайин. Бунга ҳаққи ҳам бор. Ёлғиз боши билан тўрт ўғилни оёққа қўйди. Отамнинг меҳмондан фарқи йўқ. Уч-тўрт, баъзан олти ойларни ўтказиб уйга келади. Элнинг оғзида, «Гулдай болаларини ташлаб қўйиб, шаҳарда ялло қилиб юрибди», деган гап.

Хув бир келганида, шаҳардаги манзилни қолдириб кетганди. Излаб-излаб топдим. Мени жуда хуш кайфиятда кутиб олди.

— Кеча тушимга киргандинг, — мамнун жилмайди у мени ичкарига бошларкан. — Қалай, опанг, укаларинг яхшими? Вақтида келдинг-да, уйда меҳмонлар бор.

Кичик, кўримсизгина ҳовли. Уй эгаси бўлса керак, ташқарига қараб турган каампир саломимга истар-истамас алиқ олди ва дераза ойнасини беписандлик билан ёпди. Хонадаги турли ёшдаги меҳмонлар, бу даврада бола нима қиладди, дейишдим, совуққина қаршилашди. Отам халғи кайфиятда мени уларга таништирди:

— Бу менинг ўғлим — Барака! Лекин мен уни «дада» деб

чақираман. Раҳматли отамга жуда ўхшайди. Укаларига бош, онасига ёрдамчи.

Отамнинг гапидан барча хушёр тортгандай туюлди менга. Ҳамма қайта кўришга бошладди. Рост-ёлгон тавозелар... Уларнинг анчадан буён тиришигани кўриниб турарди. Бири мастликдан алжирайди, бири кайфи борлиги очилиб қолгудай бўлса жазоланадигандай тек қотган. Уларнинг кўпини танийман. Киноларда кўрганман.

— Содик ролни менга ваъда қилганди, — овозини кўйиб юборди кўп гапирётган киши. — Унга ишонма, ҳеч қачон ишонма...

— Мардон, неча бор сенга айтганман, бировни ғийбат қилма, деб, — унга ўшқирди отам. — Мард бўлсанг ўзига айт. Кучукка ушшаб аккиллайсан.

Иккинсининг ҳам дами ўчди. Ҳатто тўрда ўтирган оқ сочили меҳмон ҳам отамга чўчинқираб қаради. Ва атай мавзуну ўзгартирди:

— Бир неча йилдан бери бирга ижод қиламиз. Ҳаммамизга тааллуқли бир гап: ўтирганларнинг барида уй бор. Тўғрими? Фақат Ниёзгина ижарада туради. Нега унга ёрдам бермаймиз? Кино учун шаҳарма-

шаҳар юриб маблағ топадиган ким? Ўзи эпизод ролдан боши қимайди. Шунга ҳам хурсанд бечора. Келинлар, олинаётган кинонинг фойдасидан кечиб, ўртага ташлайлик. Ниёз чоғроққина бир қулба олсин. Оиласини кўчириб келсин, одамдай яшасин у ҳам.

Севинчданми, хўрликданми, ички бир хаяжондан энтикиб кетдим. Деярли барча бу фикр-дан суюниб кетганини кўриб, сезилар-сезилмас кўзимга ёш ҳам қалқиди. Суҳбат анчагача

## ИККИ СОҶИЛ

давом этди. Улар ҳаётда кўриб қолсанг, ўзингдан бошқа бахтиёр одам йўқдек севиниб кетадиган санъаткорлар ҳақида, мен синфдош туғрисида сўзлагандай, гапиришар, энг муҳими, бу хотираларнинг аксарияти отамга ҳам бориб тақалар, унинг ўша машҳур кишилар билан жуда яқин эканини ҳис қилиб турардим.

Отам билан икки кун юрдим. Шу вақт мобайнида ёлғиз қолганимизни эслолмайман. Ё кимдир уйга кириб келади ёки кимдир бизни қаердадир кутиб ола-

ди. Қаерда ўтирсак, гап фақат кино олиш ҳақида кетади.

Отамга, уйга олиб кетмоқчи бўлиб келганимни билдирмаганим яхши бўлди, дея ўзимча ўйлайман автобусда қайтарканман. Айтишининг иложи ҳам йўқ эди. Баъзи қишлоқдошларимни эслаб, кўнглим хира бўлди. Энди ундайларнинг оғзига гап билан ураман. Отам сизга ухшаган ўз ботқоғида вақиллаб ётган қурбақа эмас, унинг ўз мақсади бор, у танлаган йўлни тасаввур ҳам қилолмайсиз, дейман. Ота-онам

бирга туришмасан, сиз эр хотинлардай бир-бирларини ҳақорат қилишмаган ва бунга кўникишмаган. Онам отамнинг орзуларини амалга оширмакда — бизни улғайтирапти. Отам ўзидан ном қолдирмакчи. Бунинг нимаси ёмон?

Қишлоққа қушдай учиб келдим. Онамга барини айтдим. Ранжимадилар. Бундан ажбланиб кетдим:

— Отам шаҳарда яшашини истатаган экан, нега бирга бормадингиз?

— Сизларни ўйлаб шундай қилдим.

— Бизни ўйлаб? — ҳайрон

## ҲИКОЯ

қолдим мен.

— Бола эдинг, билмайсан, — кулдилар онам. — Отанга эргашиб Гиждувонга бориб яшаганмиз. Отанг ҳаддан зиёд исрофгар. Топганини ошна-оғайнисига сарфлайди. Оилам бор, демайди. Кўчада сарфлагани етмай, уйга меҳмон бошлаб келгани-келган эди. Чидолмай, сизларни олиб қишлоққа қайтганман. Гиждувон-ку яқин, узоқ Тошкентда у одамга қандай ишонардим? Бирин-кетин уйланасизлар. Отангнинг юриши билан орзу-хавасга эришиб бўладими? Ўз ҳолларига ташлаб қўйишдан бошқа иложим йўқ эди, ўғлим...

Отамнинг олдига бориб, юринг, дея олмадим. Онам билан гаплашиб, яна у кишини олиб келгим келаяпти...

Ҳаёт бир дарё. Дарёнинг бир томонида онам, нариги тарафда отам турарди. Улар яқинлаша олмас, бир-бирларидан кўзларини узоқмасдилар ҳам. Ўрталаридан оқётган ҳаёт суви эса чўкиб ётган харсанг ёки тўлқинида юзиб қоладиган хас-хашакка бепарво эди!

Илҳом АҲРОР

Абдусалимнинг онаси қаза қилганига салкам йигирма йил бўлиб қолди. Отасиз олти фарзандни туллари тандирга нон ёпиб, сахар-мардондан шаҳар оралаб, говмиш ситиринг сутақтигини сотиб, вояга етказган онаизор тўнғич ўғлини уйлантирди-ю, оёқ узатиб янги келин кўлидан чой ичмасдан оламдан ўтди. Икки укаси ва уч синглисига 20 ёшида ҳам ота, ҳам она бўлиб қолган Абдусалим аввалда бироз ўзини йўқотиб қўйди. Икки рўзгорнинг оғир юки институтда тахсил олаётган йигитни туллари ухлай олмай тўлғоғниб чиқишга, қўшимча пул топиш учун хаёлининг минг кўчасига киришга мажбур этар, дарслар тугаши билан заводга чопар, туллари эса дўкон омборхонасида қоровуллик қиларди. Зилола Абдусалимга турмушга чиққанида эндигина 10-синфни битирган, отаси қизидан сўраб ҳам ўтирмай, "қиз бола паллахон тоши" қабилда иш тутиб, узатиб юборганди. Тўйдан сўнг уч ой ўтар-ўтмас, қайнонаси қаза қилгач, Зилола рўзгорнинг ягона бекаси эканидан боши осмонга етди-ю, аммо бир чеккада юрагини ваҳима кемира бошлади. Тез орада амма-тоғаларининг ёрдами билан Абдусалим синглисини узатиб, укасини уйлантирди. Бу орада институтни имтиёзли диплом билан битириб, бошқармада иш бошлаган Абдусалим жамоада тиришқоқлиги, ўз ишига талабчанлиги билан раҳбарият назарига тушди. Уни бошқармага ишга ўтказишга қарор қилишганида, йигит бундан бош тортиди. Зилоланинг эса фиғони фалакка чикди:

— Вой, дадаси, эсингиз жойидами? Одақлар Тошканга ишга ўтиш учун қанча қийинчиликларга дучор бўлишадими, сиз бўлсангиз оғзингизга тутган ошни туфлаб ўтирибсиз-а? Ўзингизни ўйламангиз, бизни, болаларингизни ўйланг. Қачонгача гулдай умримни хазон қилиб, шу қишлоқда ўтирмангиз?

— Менсиз ука-сингилларим нима қилишадими? Буёғини ўйладингми? Ахир, уларнинг ҳаёти меннинг зиммада-ку?!

— Шу яқинларингизни деб ўлиб кетасизми энди? Қишлоқдан вилоят марказига қунда ишга қатнаш жонингизга тегмадими? Ўннанкейин, улар иккаласи ҳам тоғайизларниқанда ашайди. Зилола Абдусалимнинг ранги ўзгариб, жадли чиқаётганини кўрди-ю, қўлидаги эмизикли боласини чимчилаб чинқиратди. "Э, сеням овозинг ўнсин, бу уйда қўлим косов, сочим супурги бўлиб, шаҳар кўрмай ўлиб кетаманми?" деганича ичкарига кириб кетди. Хотининг бўлар-бўлмасга қунда фингиши, қишлоқдан 40 километр узоқда жойлашган вилоят марказига тонг сахарлаб ишга кетиб, кечкурун яна шунча йўл босиб, орқага қайтиши ёш бўлишига қарамай, унинг ҳам тинкасини қуритаётган эди.

Тошкентга кўчиб келишлари билан Зилола батамом ўзгарди. Кечкурун ишдан чарчаб келган Абдусалимнинг бир коса овқатни "тўк" этиб олдига қўяр экан, рўзгорда у йўқ, рўзгорда бу йўқ дея нолигани-нолигани эди.

— Ахир, қуни-кеча бозор қилиб келган эдим. Икки қунда бир ҳафтага етадиган озиқ-овқат қандай тугаши мумкин?

Чарчаб Абдусалимнинг фиғони фалакка чикди.

— Ишонмайсизми, ана музлатгини кўринг. Мен атайин

ташлаб юбормайман-ку!

Зилола эри оғзини очмасидан бобиллаб берди. Энди у топармон-тутармон эрининг ишдан кеч келиши-ю, унга юз фоиз ишонидан усталлик билан фойдалана бошлади. Онасининг "Қолган икки укангни уйлантириш керак. Уйланган укаларингдан наф йўқ, сен ёрдам бермасанг, мен бир ўзим нима қиламан?" дея бот-бот гапиришига чек қўйиш мақсадида эри унга ишониб топширган пуллар ичидан суғуриб, онасига олиб бориб бера бошлади. Зилола яна тўй ҳақида эрига оғиз очишга уялар, зеро, икки укасини тўйини бутунлай ўз зиммасига олиб, уларни уйлантирган Абдусалим, қолган қайин укаларига қисман ёрдам беришини айтган, аммо бу сафар уларнинг ўзалари ҳам озгина бўлса-да,



## СЎНГГИ ПУШАЙМОН

ҳаракат қилишлари лозимлигини таъкидлаб ўтган эди.

Меҳнаткаш онаси тимсолида аёл зотини эъзолаб катта бўлган Абдусалим хотинининг кўнглига қарашга интилар, баъзида унинг пулу тақинчоққа ўчилигини кўриб, ичидан эзилар. Зеро, Зилолада бошқа аёллар орзу қиладиган икки-уч хил тилла зирагу узуклар, тилла занжир бўлса-да, қаноатланмас, дугоналарининг бирида янги тақинчоқ кўрса, худди ўшанақасини эри олиб бермагунча тинч қўймамасди. Мабоодо айтгани бўлмай қолса, дарҳол ўзини касалга солар, "хушидан кетиб", икки-уч кунлаб "кўзини очолмай" ётарди.

— Ака, нега янгамга ўзингизни аҳмоқ қилдирасиз? Унинг ҳеч қандай касали йўқ. Эпилептик, яъни тутқаноғи бор одамда ўзига хос асоратлар бўлади. Шифокорман, бунни яхши биламан. Янгам ёлгон касал, холос. Йигирма йилдан буён сизни алдайди, сал кўзингизни очсангиз-чи?

Даврон акасининг ҳорғин юзига қараб фиғони фалакка чикарди.

— Қўй, сен аралашма, янганга ўзи одам иси ёқмайди. Сен келиб турганинга яна қилиқ кўрсатаёпти. Қишлоққа қайтганингдан сўнг тинчиб қолади...

Орадан уч ой ўтди ҳамки, Абдусалим яхши-ёмон кунига йиғиб қўйган пуллари ҳақида оғиз очмаётганини кўриб, Зилола дадиллашди. Эрига билдир-

масдан захира пулдан ўзига янги зирак, янги қўйлақ сотиб олди. Кечкурун ишдан қайтган Абдусалим ўзини ёруғ юз билан кўриб олган хотинини кўриб, ишдаги асаббузарликларни бир зум унутди.

— Бугун хурсандсан? Тинчликми? Косадаги шўрвага нон тўғрар экан, Абдусалим савол назари билан хотинига қаради.

— Айтгандек, зирагинг ўзгарибдими?

— Ҳа, ануви, қўшнилар билан "чёрний касса" ўйнаётган эдик. Шунинг пулига олувдим.

— Мен аҳмоқ, ўғлинг ўқишидан беш баҳо олгани учун қувонаясанми, деб ўйлабман-а?

— Энди ўзимгаям нарса ололмайманми? Хурсанд бўлганимни кўролмайсиз-а?

Зилола лабини бурди-да, гурс-гурс қадам ташлаганча қўшни хонага чиқиб кетди, у ердан 15 ёшли қизига бақиргани эшитилди...

— Зилола, жавондаги қутиди

чи?

— Наҳотки латта-путтаю тақинчоққа ҳали ҳам тўймадинг? Уйда ўтириб бир марта бўлса-да, болаларингни қандай ўқиётгани, нимага қизиқишини сўрадингми? Кун бўйи кўчада ўша гийбатчи дугоналаринг билан гап сотганинча фарзандлар тарбияси билан шуғуллан, зериксанг хунар ўрган.

— Ҳали мени боқайтганингизни миннат қилаяйсизми? Вой, шўрим курсин, вой, сизга тегмай мен ўлай?

Зилола жазаваси қўзиб, сочларини юла бошлади. Сўнг ерга гурс этиб йиқилганча "хушидан кетди".

— Ойи, ойижон, сизга нима бўлди? — Дилноза йиқилган онасини қучоқлаганича йиғлай бошлади.

— Эътибор берма, қизим, ҳозир онанг ўзига кеп қолади.

Абдусалим елкасига чопонини илди-да, хона ўртасида чалқанча ётган хотинига парво ҳам қилмай, кўчага чиқиб кетди.

— Ойи, кўзингизни очинг..

Бир ҳафта ўтган эди, Зилола унинг қўлига қўйиб кетди. Унинг қўлига қўйиб кетди. Унинг қўлига қўйиб кетди.

Бир ҳафта ўтган эди, Зилола унинг қўлига қўйиб кетди. Унинг қўлига қўйиб кетди. Унинг қўлига қўйиб кетди.

Бу сафар хунари иш бермаганини кўриб, Зилола уни қучоқлаб, додлаб йиғлаётган қизини итариб ташлаб, ўрнидан туриб ўтирди.

— Бўлди, овозингни ўчир. Аканг қани, айт, овқатни иситсин.

— Ойи, яхши бўп қолдингизми?

Дилноза ҳозиргина қимир этмай ётган онасининг ҳеч нарса бўлмагандай туриб, зардали гапиришига ҳайрон эди.

— Бор айтганимни қил.

Зилола бошидаги рўмолини тўғрилади-да, аста дераза пардаси орқали кўчага мўралади. Эрининг сигарет чекаётганини кўриб, ўйга толди. Яқинда кўнгирак қилган онаси синглисининг бешик тўйига пул кераклигини айтган, Зилола эри билан маслаҳатлашмасданок бешиқликнинг ҳамма нарсаларини ўзи олишга ваъда бериб, катта кетган эди. Энди эри ўлса ҳам ортиқча пул бермайди. Ягона йўли "гап" ейдиган дугоналаридан қарз сўраш, аммо кейин қарзни қандай қайтарари? Балки кейинчалик қарз олганини Абдусалим акасига айтса, тушуниб, пулни қайтаришга ёрдам берар. Тўйга ҳам бир ҳафта вақт қолди. Ҳозир пул топмаса, кейин кеч бўлади.

Зилола қизига қўшиникига чиқиб келишини айтиди-ю, яқин дугонаси Марҳаматхоникига югурди. Урумчидан мол олиб келиб, улгуржи савдо билан шуғулланувчи Марҳаматхонда доимо пул бўлади. Зилолани

очик юз билан кутиб олган дугонаси уни хонага бошлаб кирди. Ҳол-аҳвол сўрашганидан сўнг, ошхонага чой қўйгани чиқиб кетди. Стол устида тахланган пуллар турар, бир қисми ҳали саналмаган, шекилли, ярим ёйилган ҳолда ётарди. Пулни кўриб, Зилоланинг кўзи ўйнаб кетди. Бу орада эшик кўнгираги жиринглаб, Марҳаматхоннинг "Ким у?" деган овози эшитилди. Эшик очилиб, йўлакда унинг бегона аёл билан гаплашаётгани кулоққа чалинди.

— Зилолаҳон, узр, бирпас ўтириб туринг, "клиент"им кеп қолувди. Мен ҳозир. — Марҳаматхон хонага мўралаб, узр сўради-да, бегона аёлни турли хил моллар тахлиби турган қўшни хонага бошлади.

Зилола эса пуллардан қўзини узолмас, айниқса, стол четидан турган долларлар хаёлини ўғирлаганди. Қўшни хонада молини мақтаётган Марҳаматхоннинг овозига бирпас кулоқ тутиб турди-да, бир даста пулнинг орасидан бешта 100 долларни суғуриб, кўкрагига бериктиди. Бу орада яна эшик кўнгираги жиринглади. Зилола фурсатдан фойдаланиб, "Мен очаман", дея эшикка йўналди. Келган миҳозни Марҳаматхон билан бегона аёл ўтирган хонага қўзатиб, "Марҳаматхон, мен кейинроқ чиқарман", деганича ўзини эшикка урди.

Икки ишлар бошқармасидан кўнгирак бўлиб, терговга қақирилган Абдусалим хотини ўғирликда айбланаётганини эшитиб, бир нафас тек қотди. Яққ этиб кўз олдида оёқларига чирмашиб, кечирим сўраётган Зилола, унинг орқасидан эса кўзлари жавдираб турган фарзандлари келди-ю, кўз олди қоронғилашди.

Эшигина терговчи йигит чойнақдаги совиб қолган чойдан унга узатди.

— Дўхтир қақирайми, ака, мазанингиз бўлмаяптими?

— Йўқ, раҳмат. Ҳўш, нима гап?

— Зилола Каримова сизнинг аёлингизми?

— Ҳа.

— У киши сизга айтмаганлар, шекилли, кеча ўзалари билан суҳбатлашган эдим, чунки уни қўшингиз Марҳаматхон Солиева ўғирликда айблаб, бизга даъво аризаси билан мурожаат қилган. Сиз бундан хабарингиз борми?

— Йўқ. Бу қандайдир англашмовчилик бўлса керак.

— Балки, аммо жабрланувчининг барча кўрсатмалари Зилола Каримовага айландирганига ишора қилаяпти. Сиз бунга нима дейсиз?

— Марҳаматхоннинг кўрсатмаси билан танишиб қисман бўладими? Абдусалим чқур тин олди.

— Албатта, ўғирлик содир этилган қуни Зилолаҳон айнан пул турган хонада ўтирган, Марҳаматхонниқига келган бошқа аёллар эса у билан биргаликда қўшни хонада бўлишган. Зилолаҳон чиқиб кетганидан сўнг, уй эгаси пул йўқолганини билган.

— Аммо уйда яна иккита бегона аёл бўлгани кўрсатмада айтилганми-ку, балки уларнинг бири олгандир.

Наргис КОСИМОВА

(Давоми келгуси сонда)



«Тўрт нафар фарзандимнинг кенжаси Нигина болалигида ҳам нихоятда меҳрибон, очик кўнгил, ақлли эди. Унга бирор юмушни буюрсам, пишик-пuxта бажарарди. 13 ёшидаёқ дуркун бўлгани учунми, кўрганларнинг ҳаваси келарди. Бир куни қизим дўконга бораётганда, катта тезликда келаётган автомашина уриб кетади. Укасининг туғилган кунидан қайтаётган хайдовчининг кайфи тарақ бўлган. Нигинанинг ўнг оёғи қаттиқ шикастланади. У узоқ вақт даволанди. Лекин барибир оёғи нуқсонли бўлиб қолди. Дастлаб қизимнинг ахволига қаттиқ куюндим. Сўнг бирни кўриб фикр, мингми кўриб шукр қилар экансан. Уни ногиронлик тиббий кўригига бирга олиб борардим. Болалигида поезд йўлида иккала оёғидан айрилган кишини кўриб, уйга келгунича қизимга «Сен ногирон эмассан, соппа-соғсан-ку», деб руҳини кўтардим. Нигина ҳам шу-шу ногиронлигини ўйлаб сиқилмайдиган бўлди. Мактабни аъло баҳоларга тугатиб, институтда ўқиди. Вақтида ўзини соғдай ҳис этгани учунми, нуқсонни бор йиғитлардан келган совчиларга унамади.

Нигинанинг ёши 37 да. Бўйи

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!

# Бахтли бўлинг!

176 см. III гуруҳ ногирони. Маълумоти олий. Нуфузли ташкилотда хизмат қилади. Ёшига мос, диёнатли, тақдири ўзига ўхшаш эркак учраса, хабар берарсизлар.

**ОЙСУЛУВ хола, Тошкент вилояти.**

«Санобар устозимнинг қизи эди. Устахонада ярим тунгача ишлаб қолиб кетсак, эрталаб бизга нонушта олиб келарди. Уни бир кўришдаёқ ёқтириб қолгандим. Ҳаддим сиғиб, бир оғиз ҳам гапиролмасдим. Армия сафига чақирилдим. Жунашим олдидан устозим «Кўз қарашингдан биламан, қизимда кўнглинг борга ўхшайди, сендай йигит куёвим бўлса, Санобарнинг бахтли-тахтли бўлишига ишонаман», деди. Ўшанда бу устозимнинг менга айтган сўнгги сўзи экан... Хизматни ўтаб қайтганимда у кишининг вафот этганини эшитдим. Уларнинг нияти ижобат бўлди. Санобар билан тур-

муш қурдик. Устозимнинг қизи бўлгани учун ҳамisha хурматини жойига кўярдим. Иккаламиз тўрт фарзанд кўрдик. Уларни вояга етказиб, уйли-жойли қилиб, хузур-халоват кўрамыз деганда, у бедаво дардга чалиниб, бу дунёдан ўтди. Шу воқеага ҳам олти йил бўлди. Фарзандларим меҳрибон, иссиқ-совуғимдан хабар олиб туришади. Лекин барибир аёлнинг ўрни бўлакча экан.

**Ёшим 62 да.** Худога шукрки, гулдай хунарим бор, эл хизматидан. Ёшимга мос, уйим-жойим дейдиган, бефарзанд аёл учраса, уйланмоқчиман.

**НОСИР ака, Тошкент шаҳри.**

«Азамат билан севишиб турмуш қурдик. Биз жудаям яхши яшардик. Ўғлим, қизим туғилди. Унинг иши юришиб, алоҳида уй-жой қилиб, қайнота-қайнонамнинг розилигини олиб, кўчиб чиқдик. Қайнакам улар билан

қолди. Бошимга тушган ташвишли кунлар шундан кейин бошланди. Овсиним ўзининг ғараз ниятларини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан қайтмасди. Эрим мени тўғри тушунгани билан, афсуски, овсиним қайнонамни айнитди. Охири у киши ҳам ўғлига мени ёмонлайдиган одат чиқарди. Барига чидадим, икки болам тирик етим бўлмасин, дедим. Қайнакамнинг иши юришмай, қийналиб қолди. Улардан укаси ёрдами аямади. Машинасини сотиб, пулини берди. Жигарлар бир-бирига шундай кунда қайишади, деб эримнинг мардлигидан хурсанд бўлдим: Овсиним

баттар менга тиш қайради. Охириги тухмати оиламизни бузишга олиб келди. Азамат уйда йўқлигида овсинимнинг тоғавачаси мендан қарз сўраб келди. «Эримдан сўроқсиз бир сўм ҳам беролмайман», дегандим. «Азаматнинг ишдан келишини кутаман», деб уйга кириб ўтириб олди. Овсинимдан балога қолмай деб, «ке-тинг» деёлмадим. Бир пайт эрим келинойиси, онаси билан келиб, мени ёмонотлиққа чиқарди. Тухмат балоси юрагимни куйдирди. Ярашишга рози бўлмадим. Қонуний ажрашдик.

**Ёшим 47 да.** Фарзандларим вояга етди. Маълумотим ўртамахсус. 60 ёшгача бўлган, қадримга етадиган, иймонли инсон учраса, турмушга чиқмоқчиман.

**МАВЛУДА, Бухоро вилояти.**

**ТАХРИРИЯТДАН:**

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**

## БИР ҲОВУЧ ДУР

Эй, доно, кўнгил ва тилни тўғри тутгин, сенинг вақтида сийдиган ризқинг камаймайди. Дунёнинг мақтовли нарсаси бўлмиш бойликни истасанг, у нарса чин одамийлик одати билан боғлиқдир.

Ўзинг бу дунёнинг бойлигини истасанг, тўғри бўл, рост сўзла.

Ёмон ёки яхши ўлса, тупроқ билан тенг бўлади. Тупроқ билан тенг бўлади-ю, биридан ёмон, биридан яхши ном қолади.

**Юсуф Хос ҲОЖИБ**

Фарзандинг ҳаёти учун кўрқув — ўз ҳаётинг учун кўрқувдан кучлироқ. Чунки у абадиятнинг тақдири учун кўрқувдир.

**Виктория Токарева**

Яра вужудни кучсизлаштиргани каби кўрқув қалбни заифлаштиради.

**Даниэл Дефо**

Кўрқув хушомадни тугдиради.

**Демокрит**

«Ҳеч кимдан кўрқмайман!» дейиш эмас, буни биров эшитиб қолиши даҳшатлидир.

**Инглиз ҳазили**

Йўқотадиган нарсаси бор одамларнинг орасида кўрқмайдигани йўқ.

**Наполеон I**

Қавм-... (хашуруғ)	...	...	...	Мукам-мал, Бекаму куст	...	...	...	...	...
Содиқ, садоқатли	...	...	...	Шар-шара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Поезд, гузатиш жойи	...	...	...	...	...
...	...	...	...	Хам... хам қара	...	...	...		

# КАТТА ВА КИЧИК ҲАЛҚА

Кўҳна обидлар, масжид-мадрасалар, баъзи қишлоқ ҳовлилари дарвоза ва эшикларидида бир жуфт ҳалқага кўзингиз тушгандир. Аммо унинг ўзига хос вазифасига, нега айнан бири катта, бири кичиклигига кўпам эътибор беравермаймиз. Ҳалқани шунчаки кулфлаш ёки ушлаб эшикни очиб шунчун мослама деб ўйлаганлар адашади. Ўзим ҳам авваллари шундай деб юрардим. Бир мўйсафид киши шу ҳақда ҳикоя қилиб бергач, дарвоза ва эшик ҳалқаларининг миллий қадриятларимиз занжиридидаги муҳим ҳалқа эканига ишонч ҳосил қилдим. Таассуротларимни сиз билан ўртоқлашгим келди.

Халқимизнинг аёл зотиға эҳтироми, эъзози азал-азалдан ўзгача бўлган. Бу остона ҳатламасданок сезилиб турарди. Авваллари ўзбек ҳовлисига чоғроқ икки табақали эшикдан кирилар эди. Нисбатан каттароқ табақаси зарурат турилгандагина очилган. Бирор иш билан келган киши эркак бўлса, катта ҳалқани, аёл киши бўлса, кичик ҳалқани тақдирлатган. Уй соҳиб ва бекаси товушнинг қандайлигидан ким келганини тахмин қилиб, ик-

кисидан бири пешвоз чиққан. Бунда, аввало, хонадондаги аёл, қолаверса, бошқа аёлларга ҳурматнинг юксак намунаси намоеён бўлади.

Яна, момоларимиз бир одатни айтиб юришади: илгари бегона киши эшик қоқиб келса-ю, уйда эркак бўлмаса, оила бекалари бундан дарвозага кесак отиб билдиришар экан. Шунда меҳмон бемаврид келганини сезиб, ўз йўлига равона



## ✓ САРЧАШМА

бўларкан. XX аср бошида ёзилган китобларда ҳам айтилишича, аёллар уйда сув тугаб қолса ва уни ҳовуздан келтириб бериш учун эркак бўлмаса, бўш кўзани дарвоза олдиға чиқариб қўяр, ўткинчилар кўзаларни сувға тўлдириб келиб, яна жойига ташлаб кетаркан...

Албатта, бундай юксак эҳтиромларға аёллар ҳам муносиб жавоб қайтаришган, етти яшар болакайни етмиш яшар кампирдан ҳам улуғ билиб ҳурматлашган. Алқисса, ота-боболаримиз ва она-момоларимиз ҳаёти, муомала-муносабатидида катта ва кичик ҳалқадиги ўзаро муносабликни кўрамыз. Халқимиз маънавияти дурдоналари бўлмиш бундай эзгу қадриятлар, урф-одат ва удумлар беҳисоб, муаммо — уларни нечоғлик сақлаб қолганимиз ҳамда авлодларға қандай еткази олишимиздадир.

**Ҳикматилла ГАДОВЕВ,**  
Тошкент давлат маданият институти «Халқ ижодиёти» кафедраси ўқитувчиси.

## ✓ АКС САДО

### БАРИБИР НАЗОРАТ КЕРАК “Интернет холис дастёрми ёки?..” — 32-сон

Бир куни одатдагидек интернет-кафега янгиликлардан, электрон почтаға келган хатлардан бохабар бўлиш учун кириб, зарур маълумотларни қидираётганим, ёнимдаги компьютерға бошланғич синф ўқувчиси ва отаси келиб ўтирди. Ота интернетда ишлашни яхши билмайди, шекилли, болакай вақти-вақти билан керакки кўрсатмаларни бериб турар, улар биргалликда ўзларига зарур маълумотларни қидирарди. Болакайға ҳавасим келди. Чунки ўзим компьютернинг содда дастурларида, сўнг эса интернетда ишлашни пойтахтга келиб талаба бўлгангина ўрганган эдим.

Интернет хусусида сўз борар экан, унинг ёшларға салбий таъсири ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Илгарилари болаларнинг дунёқараш ва ҳаёт ҳақидаги тасавурлари асосан ота-онаси, маҳалла-қўй ҳамда устозларининг кўмағида шаклланган бўлса, бугун уларнинг онгига таъсир кўрсатувчи ахборот воситалари ичидида интернет алоҳида ажралиб туради.

Интернетда ахборот кўлами шу қадар каттаки, тармоқдан фойдаланишда танлаш, саралаш эҳтиёжи юзаға келмоқда. Аммо ёшлар кўп ҳолларда бунинг улдасидан чиқа олмаяптилар. Оқибатда, интернет ахлоққа зид, миллий менталитетимизға ёт “одат”лар тарғиботчисига айланиб қолмоқда. Ҳатто ақинда телевидение орқали интернет ёрдамида юртимиз ёшлари онгини захарлаш, уларни турли экстремистик оқимлар таъсирига тортиш билан шугулланган кимсаларнинг кирдиқорларини фош этувчи кўрсатув ҳам намойиш этилганди. Шундай экан, ёшларнинг интернет билан алоқасини тартибға солиш, бу жараённи катталар ўз назоратиға олиши зарур. Интернет-кафе маъмурияти дарс вақти ўқувчиларни ўйин ўйнаш, беҳаё, зўравонликни, ирқчиликни тарғиб қилувчи сайтларға киришни тақиқлаши (фақат зарур ахборот олишиға рухсат бериши) лозим. Болажонларимиз асосий вақтларини интернет-кафеларда ўтказиши, албатта, даромад воситаси сифатида кимгадир фойда. Аммо халқимизнинг келажағи ўсиб келаётган авлод кўлида экан, уларнинг интернет ёрдамида шаклланаётган дунёқарашини назорат қилмоғимиз керак.

**Зарнигор СУЙОНОВА,**  
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси.

## ✓ САВОЛ-ЖАВОБ

### ЭГАСИЗ МЕРОС КИМГА ҚОЛАДИ?

«Агар меросхўр бўлмаса ёки меросхўрлар меросдан воз кечса, мол-мулкка ким эгаллик қилади?»

**Раҳима УМАРОВА,**  
Навоий шаҳри.

Фуқаролик кодексининг 1157-моддасига мувофиқ, агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади. Бунинг учун мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтгач, маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи аризаси бўйича чиқарилган суд қарори асос бўлиши мумкин.

Эгасиз мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи мулкига ўтади, бу идора мол-мулкдан воз кечган тақдирда эса давлат мулкига айланади.

**Самариддин АМОНОВ,**  
Конимех туман давлат нотариал идораси нотариуси.

## ПОМИДОРНИНГ ✓ ҚИЗИК! СИАМ ЭГИЗАКЛАРИ



Табиатнинг ўзи мўъжизакор. Қишда деразамизға гул солган ҳам, қутилмаган “совға”лари билан бизни ҳайрон қолдирган ҳам ўзи!

Томоркамизда пишган манави помидорни кўриб, бу ҳақиқатға яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Қаранг-а, помидорнинг ҳам

Сиам эгизаклари бўлар экан! Бу ҳам она табиатнинг ўзига хос бир синоати бўлса не ажаб? «Оила ва жамият» муштарийларига ғойибона тўхға бўлсин деб, эгизак помидорлар суратини сизларға юбораяпман.

**Бекпошша РАЗЗОҚОВА,**  
Урганч шаҳри.

## «МОНАДА-АМОН»

МЧЖнинг неврология шифохонасида ёқори технологияли тиббиёт апаратлари ёрдамида беморларға тўғри ташхис қўйилиб, самарали даволанилади.

Швейцарияда ишлаб чиқарилган «Swiss DolorClast» апарати ёрдамида зарбали-тўлқинли терапия (ЭУВТ) ўтказилади. Бу даволаш усули остеохондроз, диск чурчалари, сколиоз, остеоартроз, мушак ва пайларни тортиб оғриши каби касалликларда ўта самарали бўлиб, бўйин, елка, қўл, бел, оёқ бўғимларидаги қотиб қолган пайлар, тузаларни юмшатиб, сўрилиб кетишиға, ўрниға янги тўқималар пайдо бўлишиға замин яратади.

Шунингдек, компьютерлашган лазеротерапия апаратида бир вақтинг ўзида лазер нури билан лазеротерапия ва лазерли рефлексотерапия муолажалари муваппақлашган ҳолда олиб борилади.

Бундан ташқари, компьютерлашган апаратда умуртқаларни чўзиш, ультрафонофарез, карипазин билан электрофарез муолажаси, нуқтали ўқалаш, нина санчиб даволаш ва бошқа физиотерапевтик муолажалар ёқори малакали мутахассислар томонидан ўтказилади.

Шифохонада уч ўлчамли УЗИ апаратидида ички аъзоларни УЗИ қилиш, юрак УЗИси, компьютерлашган ЭКГ, электромиография текширувлари, шунингдек, ҳамма лаборатория таҳлилларини ўтказиш йўлга қўйилган.

Шифохонада ётиб ва катнаб даволаниш учун барча шароитларға эга бўлган стационар мавжуд.

Тел.: (+99897) 119-32-10, (+99897) 338-35-15  
Факс: 8 (371) 283-40-35  
Электрон почта: monada-amon@mail.ru  
Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Норхўжаева кўчаси, 52-уй.  
Мўлжал: Фарғона йўли кўчаси. «Ўзбум» бекати

## «ЎКТАМХОН-НУР»

### ЎҚУВ МАРКАЗИ

қуйидаги ўқув курсларға тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми,

плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3 ой.

Тиббий массаж — 2 ой (амалиёт билан). Нуқтали — 1 ой.

Торт ва пишириқлар — 2 ой (амалиёт билан).

Пишириқлар олий курси — 1 ой.

Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой (амалиёт билан).

Аёллар сартарошлиғи — 3 ой (амалиёт билан).

Педикюр, маникюр — 1 ой (амалиёт билан).

Сартарошлик — 3 ой (амалиёт билан).

Тўй ва оқшом турмаклари ва макياج — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.

Элита парда ва чойшаблар олий курси — 1 ой (амалиёт билан).

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун, амалиёт).

Каштачилик — 3 ой (машинада ышывка).

Тикувчилик — 2 ой.

Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Бисер тикиш, яъни мунчок тикиш — 2 ой.

Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.

Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

Ўқишға қабул ҳар куни

■ Машғулотлар амалиёт билан бирға олиб борилади. ■ Ётоқхона мавжуд.

**Ўқишни тугатганларға  
ДИПЛОМ берилади.**

Манзил: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 (кундузи), 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Тахририятға келган кўлбизмалар муаллифларға қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишға топшириш вақти — 15:00  
Босишға топширилди — 16:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Мухбирлар: 233-04-50

Котибият: 237-21-82

«Оила» бўлими: 234-25-46

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент — 700000

Амир Темур кўчаси,

1-тор кўча, 2-уй

Мўлжал: Олой

бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатға олинган. Буюртма Г-732. Формати А-3, ҳажми 4 табок. Адади — 8711  
Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ  
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ  
Мусахҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,  
Мафтуна МИНГБОЕВА

ISSN 2010-7609

2 3 4 5